

Бугун ўзбек халқининг
замони келди,
Ўзбекистоннинг замони
келди, маррани баланд
қўйиб яшайлик, шундагина
эртанги кун, келажак
бизники бўлади.

Ислом КАРИМОВ



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

Шу йил 15 июнь куни Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари аввало мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Сурхон заминиди ҳам улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхталди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам катта-катта ўзгаришлар юз берди. Тараққиётимизнинг ўсиш суръатлари тобора ошиб борапти. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси оила ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар барчамизни қувонтириб, олдимизда турган мақсадлар сари янги-янги қадамлар қўймоқдамиз, деди Ўртбошимиз.

Бир вақтлар Сурхондарё ҳақида сўз юритганда, ўзимизга олис ва чекка бир ҳудудни тасаввур қилар эдик. Бу воҳа ҳақида гапирганда, аввало унинг мураккаб ва кескин иқлими, афғон шамоли, турли қийинчиликлар ҳақида сўз кетар эди.

Ҳақиқатан ҳам, эски тузум даврида Сурхон заминига бирёқлама қараш шаклланиб, бу минтақанинг тараққиёти, унинг улкан ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш масаласи йиллар давомида ҳал

этилмасдан келгани яхши маълум.

Бу ўлканинг бетакрор, дунёда камдан-кам учрайдиган ўсимлик олами ва табиати борлиги, мард ва ориятли, бағрикенг инсонлар юрти экани ҳақида, қадимий маданият ва деҳқончилик ўчоғи, умумбашарий тараққиётга бекиёс ҳисса қўшган макон экани ҳақида жуда оз эшитар эдик.

Ҳозирги кунда вилоят аҳли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиғи, илму фан, маданият, таълим-тарбия, спорт соҳаларида эришаётган ютуқлар ҳақида ғурурланиб кўп гапириш мумкин. Агарки спорт соҳасини олдиган бўлсак, Сурхон заминиди тарбия топган, Алпомишнинг муносиб авлодлари бўлган Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев каби курағи ерга тегмаган, дунёга машҳур полвонларни ким тан олмайди?

Собиқ совет даврида Сурхондарёнинг маркази Термиз асосан ҳарбийлар ва уларнинг эҳтиёжи учун мошланиш шаҳарга айланиб, замон талабидан орқада қолган эди. Ўтган йигирма йил мобайнида амалга оширилган ишлар туфайли нафақат Термиз, балки барча туман марказлари ва қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, авваламбор, шу заминда униб-ўсиб келаётган ёшларга завқ ва эртанги кунга ишонч бағишлайди.

Мен 30—40 йилдан буён Сурхондарё ҳаёти билан яқиндан танишман ва бугунги ўзгаришларни кўрганда, улар менга худдики қанот бергандек, бир вақтлар орзу қилган ниятларим амалга ошгандек ўзимни ҳис қиламан, деди давлатимиз раҳбари.

Бу ҳақда сўз юритганда, мусулмон оламида юксак ҳурмат-этиборга сазовор бўлган Ҳаким Термизий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси ҳар томонлама обод қилинган, ҳеч шубҳасиз, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш йўлида яна бир улкан амалий қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида кейинги йилларда Термиз шаҳрида барпо этилган, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, замонавий "Бахт уйи" мажмуаси, Меҳрибонлик уйи, "Дельфин" сузиш ҳавзаси, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт ва маданият масканлари вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ана шундай кўплаб мисоллар асосида кечаги кунни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсак, ким эдигу ким бўлди, деган саволга ҳолисона жавоб топишимиз қийин эмас, албатта.

Ўтган беш йил давомида Сурхондарё вилоятида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоизни ташкил этди. Саноат соҳасида эса охир

ги беш йилда ушбу тармоқда ўсиш кўрсаткичи 124,5 фоиз бўлганини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг айна шу даврдаги ривожланиш суръатларини таҳлил қилганда, бу борадаги ўсиш 123 фоизни ташкил этганини қайд этиш зарур. Қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқлари вилоятда кейинги беш йил мобайнида мос равишда 2,9 ва 2 баробар ўсгани алоҳида диққатга моликдир.

Айниқса, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидидаги улуши беш йил давомида 63,9 фоиздан 73,8 фоизга етгани, бу Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткич эканига мажлисда Президентимиз томонидан алоҳида ургу берилди.

Кейинги йилларда бунёд этилган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва коммуникация иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 525 миллиард сўмлик маблаг сарфланиб, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг барпо этилгани нафақат Сурхондарё, балки бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё миқёсида тарихий аҳамиятга эга бўлган улкан воқеа эканини алоҳида таъкидласак, арзийди, албатта.

(Давоми 2-, 3-бетларда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**Н.О.Чориевни
Сурхондарё
вилояти ҳокими
лавозимига
тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Нормўмин Омонович Чориев
Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 15 июнь

— 2012-yil — Mustahkam oila yili —



СПОРТСЕВАР ОИЛА

Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги 101-умумтаълим мактаби ўқитувчилари Фазлиддин Худойназаров ва Фотима Курбонованинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади.

Ф.Худойназаров ўқувчи-ёшларга мусикадан, Ф.Курбонова компьютер саводхонлигидан сабоқ беради. Улар фарзандлари Хулқарой ва Шарофиддинда болалиқдан спортга меҳр уйғотишга, соғлом турмуш кўникмаларини шакллантиришга ҳаракат қилиб келмоқда.

— Айрим ота-оналар болаларининг соғлом бўлишини истайди-ю, лекин уларнинг жисмоний тарбиясига ҳамиша ҳам жиддий эътибор қаратмайди, барча масъулиятни мактаб ва боғча зиммасига юклаб қўя қолади, — дейди Ф.Худойназаров. — Спорт билан мунтазам шуғулланиш соғлом турмушнинг асосий шартидир. Фарзандлар тарбиясида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратамиз, уларнинг уйда ҳам сеvimли спорт турлари билан шуғулланиши учун зарур шароитни яратиб берганмиз. Ўзимиз ўрнатқ бўлиб, стадионга боришдан эринмаймиз.

Суратда: Фазлиддин Худойназаров рафикаси Фотима Курбонова ва қизи Хулқарой билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА)
олган сурат.

ТАЗТАНИ
ВАРАҚЛАТАНДИ:

**ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ
КЎРИБ ЧИҚДИЛАР**

5-бет

**СИНОВЛАР
НИҲОЯСИГА
ЕТДИ**

6-бет

ҚИЗ БОЛА — БЎЛҒУСИ ОНА
шундай экан, уни оилавий ҳаётга қандай
тайёрлаш керак?

8—9-бетлар

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳақида гапирганда, охириги беш йилда умумий қиймати 70 миллиард 600 миллион сўмлик 18та йирик лойиҳа амалга оширилгани эътиборга сазовордир. Жумладан, катта истиқболга эга бўлган Хонжиза полиметалл рудалар конининг ишга туширилиши, пахта хомашёсини қайта ишлашга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 12 миллион долларга тенг "Шиндонг Спиннинг" корхонаси, виллоятда тайёрланадиган пилла хомашёсини тўлиқ қайта ишлаш бўйича қиймати 1 миллион 500 минг доллар бўлган "Сурхон-Термиз-Силк" корхонаси қурилгани ва бошқа кўплаб лойиҳаларнинг амалга оширилгани ҳудуднинг sanoat salohiyatini oshirishda muhim роль ўйнамоқда.

Сессияда виллоятдаги ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутиб турган, ҳанузгача ҳал қилинмасдан келаётган муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Ҳаётнинг қайси соҳа ёки тармоғи бўлмасин — бу sanoat ёки qishloq xo'jaligi бўладими, ижтимоий масалалар бўладими, одamlarni bezovta qilayotgan ayrim noxush holatlar бўладими — ularning barchasini bartaraf etish — bu ham o'zimizga bog'liq. Шу сабабли бугунги учрашувимизда кўпроқ мавжуд муаммолар ҳақида биргаликда бош қотиришимиз, уларни ечиш йўллари излашимиз мақсадга мувофиқдир, деди Ислоҳ Каримов.

Бу ҳақда гапирганда, виллоятда аввало енгил sanoat тармоғи ривожланиш ўрнига қолқоқча юз тутиб, sanoat таркибида 50,7 фоиздан 43,8 фоизга тушиб қолганини афсус билан айтишга тўғри келади. Виллоятда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг атиги 6,9 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани, албатта, талабга жавоб бермайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, виллоятнинг бу борадаги кўрсаткичлари мамлакат миқёсидаги ўртача кўрсаткичлардан паст даражада сақланиб қолаётгани барчамизни, аввало, виллоят раҳбарлари, депутатлар ва фаолларни ўйлантириши керак. Нега деганда, Сурхондарёнинг бошқа ҳудудларимиздан устун жиҳати бўлса борки, асло кам жойи йўқ.

Қишлоқ жойларга sanoatni олиб кириш, маҳаллийлаштириш дастури асосида қайта ишлаш корхоналари барпо этиш, ички ва ташқи бозор учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бора-сидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. Sanoat maqsulotlari ishlab chiqarishning asosiy hissasini Termiz shahri, Denov, Shurchi, Sherobod va Jarqurgon tumanlariga turgu kelmoqda. Angor, Termiz, Boysun va Oltingsoy tumanlarining umumiy sanoat hajmidaги ulushi esa pastligicha qolmoqda.

Виллоятда ҳудудий экспорт таркиби асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб, улар ялпи экспортнинг 92,8 фоизини ташкил этади. Бу ўз навбатида sanoat korxonalarini rivojlantirish, eksportbop maqsulotlar tayyorlash, tarkibiy o'zgarishlarini yanada jadallashtirish, ishlab chiqarishni diversifikasiya qilish masalalari bугunги kunda utkir vazifa bo'lib qolayotganini yana bir bor tasdiqlab bermokda.

Жорий йил бошига қадар виллоят-

да 27 мингтадан ортиқ кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Лекин уларнинг 90 фоизи амалда фаолият кўрсатмоқда. Қолганлари эса, қоғозда бор-у, амалда йўқ.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бизни боқадиган асосий гарови бўлиб келганини ҳаммамиз яхши тушунамиз, чуқур англаймиз. Бу ҳақда ортиқча гапир-ишнинг ҳолати йўқ, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Халқимизнинг "Сен ерни босқан, ер сени боқад" деган мақолида чуқур маъно борлиги ҳаммамиз учун яхши аён. Юртимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда махсус давлат дастури қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, ана шу дастур асосида Сурхондарё виллоятда ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган беш йил давомида қарийб 60 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан 63та экскаватор ва бульдозер сотиб олинди, 430 километрдан ортиқ ирригация тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, 4 минг километрдан зиёд сув тармоқлари тозалангани ҳам тасдиқлаб турибди. Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 73 миллион долларлик кредит ҳисобидан "Аму-Занг" канал ирригация тизимидаги асосий иншоотлар, жумладан, 3та насос станцияси реконструкция қилинди. Бундай кенг кўламли ишлар натижа-сида воҳада 80 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва унумдорлиги оширилди.

2011 йил якунларига кўра, виллоят бўйича пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик 29,2 центнерни, ғаллачиликда 48,9 центнерни ташкил этди. Кейинги уч йилда виллоятда пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 4-5 центнерга ошгани, албатта, ижобий натижа, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, бу соҳада ажратилган катта-катта маблағларни ўзлаштириш, замонавий техникаларни самарали ишлатиш, магистраль коллекторлар ва ички зовурларни тозалаш масаласида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп эканига сессияда алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, сув ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш масаласи доимо диққат марказида бўлиши даркорлиги таъкидланди. Бугунги кунда бир метр куб сувни фермернинг даласига етказиб бериш мамлакатимиз миқёсида давлатга ўрта ҳисобда 23 сўмга, Сурхондарё виллоятда эса 30 сўмга тушмоқда. Агар виллоятга йилга 3,8 миллиард метр куб ҳажмида сув етказиб берилаётганини ҳисобга олсак, бунинг учун давлат бюджетидан 115 миллиард сўм маблағ сарфланаётгани аён бўлади. Шундай экан, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш вақти келди, деди Ислоҳ Каримов.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Сурхондарё виллоятда механизациялаштириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Виллоятда кейинги икки йилда жами 60 миллиард сўмлик юқори унум билан ишлайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган. Жорий йилда яна 30 миллиард сўмлик техника воситаларини харид қилиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, виллоятда 15 йилдан ортиқ вақт мо-

байнида ишлатиб келинаётган эскирган техникалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда бир ҳайдов тракторига ўртача 260 гектар майдон тўғри келмоқда. Натижада ерни шудгорлаш ишларида техника етишмаслиги сезилмоқда ва бу ўта муҳим агротехник тадбирни амалга ошириш мuddати қўзилиб кетмоқда.

Бундай камчиликларга барҳам бериш, мавжуд техника парки таркибини янгилаш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарорига асосан, қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган техникалар, юқори қувватли тракторлар ишлаб чиқариш ва улар билан фермерларни таъминлаш учун 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ана шу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, виллоят ҳокимлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзининг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиши ва унда ҳар бир туман, фермер хўжаликлари учун техникалар етказиб бериш йўллари, молиявий манбаларни аниқ белгилаб олиши зарурлиги сессия мажлисида муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Бугунги кунда Сурхондарё виллоятда 43 минг гектардан зиёд шахсий томорқа майдонлари мавжуд бўлиб, ўтган йили уларда 9 минг тоннадан ортиқ картошка, 13 минг тоннадан кўпроқ सबзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштирилгани, айрим омилкор деҳқонлар ўз томорқаларидан 30—40 миллион сўмга етказиб даромад олаётгани эътиборга сазовордир.

Айни вақтда виллоятдаги баъзи туманларда бу масалага етарлича аҳамият берилмаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни адо этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш бора-сидаги энг муҳим масалалардан бири — бу фермер хўжаликлари-нинг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш жоизки, бугунги кунда Сурхондарё виллоятда 4 минг 800тадан зиёд фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг 2 минг 490таси пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган.

Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати қишлоқда яшайётган одамларни, Ўзбекистон шароитида 50 фоизга яқин аҳолини иш билан таъминлаш, юқори даромад олиш, энг муҳими, sanoatimizni xomashy bilan, xalqimizni oziq-ovqat maqsulotlari bilan ta'minlashda etakchi ўрин эгаллаб келмоқда.

Фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига, балки бутун иқтисодиётимизнинг жadal tarakkiyi to'pishi, mamla-katimizning q'ulga kiritgan yutuqlari-ga, xalqimizning ha'et daraajasini oshirishga bekiёs hissa q'ushgani haqida biz k'up gapiramiz. Ha'etning ўzi oхиrги ўn-ўn беш йил давоми-да бунинг учун етарли далил ва асослар бермоқда.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиман — Ўзбекистонда бу ҳаракатни янада ривожлантириш, уни янги босқич-га кўтариш, қудратли бир ижтимо-ий қучга айлантириш йўлида давлатимиз ва шахсан ўзим Президент сифатида фермерлик ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш-га тайёрман. Кимки фермерлик ҳаракатига қарши чиқадиган бўлса, бу Президент сиёсати-га қарши чи-қиш билан баробар, деган сўзларим-ни бугун такроран айтмоқчиман,

деди Ислоҳ Каримов. Лекин, фермерлик ҳаракати-га бундай муноса-бат фермер хўжалигини юритиш, унинг самарадорлигини оширишга доир барча сир-асрорларни чуқур ўзлаштирдик, деб айтишга асос бермаслиги керак.

Ҳозирги вақтда шу масала усти-да кўп ишлаб, Германия, Голландия, Польша каби давлатларга мутахас-сис ва фермерларни жўнатиб, улар-нинг тажрибасини ўрганиш орқали фермерлик ҳаракатининг самара-дорлигини янада ошириш бўйича бугун замоннинг ўзи талаб қилаёт-ган дастур тайёрламоқдамиз.

Фермерлик соҳасида биз ҳозир-гача фақат 10—15 йиллик тажриба-га эгамиз. Ваҳоланки, фермерлик ҳаракати бутун дунёда неча юз йил-лик тарихга эга. Биз уларнинг таж-рибасини, ютуқларини ўрганиб, ўзимизда жорий этишимиз керак. Лекин бу борада ўзи олдимизга шун-дай мақсад қўйишимиз керакки, эр-таг ўқувчи эмас, ўқитувчи бўлиб иш олиб боришимиз зарур.

Сессияда виллоятда аҳолининг та-лаб ва эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Сурхон воҳасида бугунги кунда 2 миллион 220 мингга яқин киши и-стикомат қилмоқда. Аҳоли жон боши-га ўртача даромад кўрсаткичи вилло-ятда республиканинг ўртача кўрсат-кичидан анча орқада қолаётганини тан олиш керак ва бундай ҳолатни ўзгартириш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз лозим, деди давлати-миз раҳбари ижтимоий соҳадаги и-слохотлар ҳақида тўхталар экан.

Виллоятда янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қабул қилин-ган дастурга мувофиқ, 2011 йилда 65 мингдан зиёд янги иш ўрни яра-тилган. Уларнинг 73 фоиздан орти-ги кичик бизнес соҳасига тўғри келади. Айни вақтда, 2011 йил яку-ни бўйича, виллоятда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сони 46 минг нафарни ташкил этмоқда. Баъ-зи туманларда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлиб қолаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирил-ди. Бу масалани ечиш йўлларида бири сифатида кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорликни янада кучай-тириш, фермер хўжаликлари пахта-чилик, ғаллачилик ёки богдорчилик билан чекланиб қолмасдан, ўзи етиштирган маҳсулотни sanoat асо-сида қайта ишлаш, хизмат, қўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланти-риш, қурилиш ва таъмирлаш ишла-рини амалга оширадиган бригада-ларни ташкил қилиш, таъминот ма-салаларини йўлга қўйиш каби фа-олият турлари билан ҳам шуғулла-ниши зарурлигига эътибор қара-тилди.

Маълумки, бундан уч йил олдин мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси-нинг турмуш маданиятини ошириш, унинг яшаш шароитини шаҳар ша-роитига яқинлаштириш мақсадида муҳим давлат дастури қабул қилин-ган эди. Қишлоқ жойларда намуна-вий лойиҳалар асосида замонавий янги ўй-жойлар қуришга қаратилган бу дастур халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Бу ўйланининг лойиҳалари устида жуда кўп ишлаб, турли вариантлар-ни қурувчи ва мутахассислар, жамо-атчилик вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилдик. Билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар асоси-да энг маъқул лойиҳалар қабул қилинди, деди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ аҳолининг талаб ва эҳти-ёжларини ҳисобга олган ҳолда, бун-

КЕНГАШНИНГ СЕССИЯСИ

дай уй-жойлар учун ажратилаётган ер участкаларининг ҳажми 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтирилгани, ҳалқимизнинг турмуш тарзи ва аъналарини ҳисобга олиб, қўшимча қўлайликлар яратилгани ҳам кўпчилик учун айни мuddao бўлди.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. 2009—2011 йилларда қарийб 95,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан янги уй-жойлар барпо этилиб, 1 минг 400 га яқин оила янги уйлarga кўчиб киргани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, бундай замонавий уй-жой массивлари қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгариштириб, одамларнинг турмуш маданиятини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, коммунал корхоналар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 60 километрлик газ, 72 километрлик электр, қарийб 68 километрлик сув тармоқлари барпо этилгани, 20 километрдан ортиқ йўл қурилиши амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда ушбу дастур талаблари қандай бажарилаётганини айрим вилоятларда тегишли назорат ташкилотлари томонидан жиддий ўрганилмоқда. Сурхондарё вилояти раҳбарлари ва мутасаддиларини ҳам огоҳлантириб айтмоқчиман, билиб қўйинглар, бу борада сўров қаттиқ бўлади, деб уқтириб ўтди Президентимиз.

Сессия мажлисида биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масала — умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бу йил Сурхондарё вилояти бўйича 47 минг 446 нафар бола мактабни битирмоқда. Уларнинг 1770 нафари академик лицейларда, 45 минг 676 нафари эса касб-хунар коллежларида ўқини давом эттириши кўзда тутилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, айрим ота-оналар ўртасида ўз фарзандлари, айниқса, қиз болаларга нисбатан мактабни битиргандан кейин ўқиш шарт эмас, турмуш қуришни ўйлаш керак, деган эскича қарашлар ҳали-бери учраб туришини афсус билан айтиб ўтишга тўғри келади. Ваҳоланки, коллежда ўқиб, аниқ касб-хунар эгаси бўлиш биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида хунари бор қиз бола эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратиб, фарзандларини barkamol inson etib тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу ўз навбатида ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳолати йўқ.

Бу ҳақиқатни биз — ота-оналар чуқур тушуниб, англаб, фарзандларимизнинг билим олиши, замонавий касб-хунар эгаллаши учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг болаларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир. Акс ҳолда, уларнинг келажагига ҳиёнат қилган бўламиз, деди Ислон Каримов.

Бу масалалар ҳақида олишганда, ҳаммамиз яхши тушуниб олишимизни истардим — бу йилга юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берганимиз, албатта, беҳис эмас. Мустаҳкам оила деганда, биз авва-

ло бахтли оилани, ўз мурод-мақсадига етадиган оилани тушунамиз, деб ўз сўзини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни пайтда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашдек муҳим масалада йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йил якуналарига бағишланган мажлисда мен бу мавзуга алоҳида тўхталиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида огоҳлантирган эдим, бинобарин, бу масала бўйича барча масъул мутасаддилар тегишли хулоса қилишлари зарур, деди Ислон Каримов.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак ва эзгу мақсадга етиш, яъни ривожланган мамлакатлар каторидан ўрин эгаллашимиз учун аввало жуда тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамнафас бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ҳар қачонгидан ҳам мураккаб ва кескин бўлиб бораётган ҳаётнинг ўзи олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳаммадан бўлиб яшаш, балки эртага йил-йилмида пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида ҳозирдан ўйлаб яшашимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Мана шундай шароитда эл-юртни бирлаштириб, керак бўлганда меҳр кўрсатиб, керак бўлганда қаттиққўл бўлиб, аввало давлат ва жамият манфаатини биринчи ўринга қўйиб ишлашга қодир бўлган раҳбарга кўп нарсга боғлиқ эканини тушуниш, англаш қийин эмас.

Кўпни кўрган, доно ҳалқимиз ўз меҳнати, оқилона раҳбарлиги, инсоний фазилатлари билан ҳаётда из қолдирган етакчиларни доимо ҳурмат билан эслайди. Шу билан бирга, ўз лавозимига лойиқ бўлмаган, ўзига билдирилган юксак ишончни оқламаган одамларни ҳам эсидан чиқармайди.

Ҳалқимизнинг "Яхшидан бог қолади, ёмондан доғ қолади" деган чуқур маъноли мақоли бежиз айтилмаган. Мен бу сўзларни эл-юртимиз олдида, аввало, ёшларимиз олдида такрор ва такрор айтишни ўринли деб биламан.

Айтиш керакки, кечаги замонда раҳбарларга нисбатан талаб бошқача эди, бугун эса бутунлай бошқача. Бугун раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини ўн қарра, юз қарра кўпроқ сезиши даркор.

Раҳбар бошқаларга талаб қўядиган бўлса, савол туғилади: ҳўп, оғайни, бу масалани бошқа томондан кўрайлик, яъни, сиз ўзингиз шу талабларга лойиқмисиз? Ҳар бир раҳбар бу саволни аввало ўзига бериб, унга жавоб топиши керак.

Бошқалардан ҳалоллик, покликни, адолатли бўлиш, ошона-оғайнигарчилик, маҳаллийчиликка берилмаслиқни талаб қилиш ҳақида кўп гапир-иш мумкин. Лекин одамлар ҳамма нарсани, яъни, ким бу талабларга виждон амри билан, амалий ишлар билан жавоб бераётганини, ким эса ҳўжакўрсин ишлар билан, "кун ўтса — бас" деб юрганини жуда яхши билади, яхши сезади.

Ҳар қайси раҳбар бу масалани чуқур тушуниб етиши, аввало нафс балосига берилиб кетмаслиги, одамларни менсимасдан, оёғи ер-

дан узилмаслиги лозим. Шундагина у эл-юрт ишончини қозониши, ҳалқни юксак мақсадлар сари сафарбар эта олиши мумкин.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тавсиясига кўра, 2011 йил декабрь ойидан бўён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Нормўмин Омонович Чориев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Олдимизда турган юксак марраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳам-жиҳат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ўзбек ҳалқининг замони келди, Ўзбекистоннинг замони келди, маррани баланд қўйиб яшайлик, шундагина эртанги кун, келажақ бизники бўлади, деди Президент Ислон Каримов.

Сессияда "Нуроний" жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Хушбоқ Тангриев, Сарисий туманидаги "Нурали-Карим" фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Каримов, Термиз давлат университети ўқитувчиси Насиба Бегамова, Музработ туманидаги "Музработтекстил" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Элмурод Жумаев, Термиз давлат университети талабаси Нигора Нормуродова, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзикул Соатов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нуктида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устуру йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий гаплар ва амалий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, изоҳлотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

Президентимиз Ислон Каримов шу куни Термиз туманидаги "Сурхон сарвари" фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди. Галла ўрими-йиғимининг бориши билан қизикди.

Абдузойир Абдуқодиров раҳбарлик қилаётган маъзур фермер хўжалиги 147 гектар ер майдонига эга. Хўжалик аъзолари бу йил 76 гектар майдонга гўза парваришлармоқда. 71 гектар майдондаги галлазорда мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга пахта ва галла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Галлачиликда июнь ойи муҳим палла, миришкорларимиз учун синов ойи ҳисобланади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу йил галлачилик учун қўлай йил бўлди. Галлакорларимиз мўлжалдаги ҳосилни тўплади. Галдаги муҳим вазифа етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олишдан иборат.

Бунинг учун вилоятда барча имкониятлар етарли. Ҳосил йиғиб олинган майдонлар сомони махсус техника ёрдамида прессланиб, ер пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади.

— Фақат деҳқончиликнинг ўзи билангина ҳалқни боқиб, фаровонликка эришиб бўлмайди, — деди Президентимиз. — Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни жадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, гўзанинг серхосил навларини танлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида тўғталар экан, бугун деҳқончиликни рентабеллик даражаси билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади. Пахтанинг рентабеллиги баланд бўлмаса, деҳқоннинг шашти қайтади, ишга қизиқиши сўнади.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Кучлари тубдан ислоҳ қилиниб, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга, профессионал ҳарбий мутахассислар билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Ҳарбий хизматга ҳар томонлама barkamol, чуқур билимга эга, юксак салоҳиятли ёшлар саралаб олинмоқда. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга ёшларимизда қизиқиш ҳисси, масъуллик туйғуси баланд. Сержантлар миллий армиямизнинг энг ишончли таянчи ва суянчига айланди. Ҳарбийларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, барча қўлайликларга эга замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осийш-талигимиз кафолати — миллий армиямизни такимилаштиришга хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди. Хизмат жараёни, ҳарбийларнинг яшаш ва оилавий шароити билан қизикди.

— Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир, — деди Президентимиз. — Улар ҳар доим Ватанимиз ҳимоясига шай. Уларнинг доимо ҳушёр ва сезгирлиги туфайли сарҳадларимиз дахлсиз, юртимиз тинч, ҳалқимиз осийишта ҳаёт кечирмоқда. Ҳарбийларнинг ҳам ўз ҳаёти, оиласи, қувончу ташвишлари бор. Улар учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Ҳалқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, барча соҳаларда қўлга киритаётган бетимсол ютуқларимиз, эришяётган марраларимиз, бунёдкорлик ишларимиз, турмушимиз фаровонлиги истиклол туфайли эканини теран англайди. Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамлар онгу шууридаги, тафаккуридаги ўзгаришлар ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.



❖ Пойтахтимизда "Таълим муассасалари педагоглари ва профессор-ўқитувчиларининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли ва ўрни" мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатётган ўқитувчилар, профессор-ўқитувчилар, педагогика соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимлар қатнашди.

Семинарда бугунги мураккаб глобаллашув шароитида ёшларни турли зарарли ахборотлар оқими, ноҳилис маълумотлар, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ишончли ва самарали тарзда ҳимоялаш педагог кадрлар зиммасига ҳар қачонгидан ҳам катта масъулият юклаши, бунда оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Семинарда муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

❖ Навоий шаҳрида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танловда қуйи босқичларда ғолиб чиққан ўн та ёш оила иштирок этди. Қатнашчилар таништирув шартларида ўз оилалари ҳақида маълумот берган бўлса, кейинги шартларда уларнинг соғлом турмуш тарзи, миллий қадриятларимиз, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга доир билимлари синондан ўтказилди.

Танловда Зарафшон шаҳрида яшовчи Давлат ва Зиёда Ҳамроевлар оиласи биринчи ўринни эгаллади. Навбахорлик Рамз ва Турсунтош Каримовлар ҳамда конимехлик Жонибек ва Азиза Саҳатбоевлар оиласига кейинги ўринлар насиб этди.

❖ Эллиққалъа тумани ногиронлар жамияти қошида очилган ўқув марказида қизлар ҳунар ўрганмоқда.

Мазкур ўқув маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида ташкил этилган.

Ўқув марказида қизлар уч ой давомида ҳунар ўрганиб, эгаллаган кўникмаларини амалиётда мустаҳкамлайди. Шунингдек, улар ўзлари тиккан бежирим либосларни, пishirgan турли хил ширинликларни бозорда сотиш имконига эга бўлади.

Жамият томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда иккита этикдўзлик устaxonа, учта сартарoшxона, иккита гўзаллик салони, иккита идора моллари дўкони, чойхона фаолият кўрсатмоқда.

— Натижада йигирмага яқин иш ўринлари яратилди, — деди жамият раиси Рамон Кенжаев. — Топатган даромадимиз ҳисобидан ногиронларга, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқдамиз.

❖ Навоий вилоятида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилмоқда.

Навоий кончилик коллежида ўтказилган шундай тадбир вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида ташкил этилди. Уч юз нафарга яқин битирувчилар иштирок этган мазкур тадбирда вилоятдаги юздан ортиқ корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринларини таклиф этди.

— Жорий йилда коллежимизни 16 йўналиш бўйича 739 нафар йигит-қиз тамомламоқда, — деди Навоий кончилик коллежи директори Улугбек Сатторов. — Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан йил давомида иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги ярмаркада вилоятимиздаги йирик sanoat корхоналари фаол иштирок этаётгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Меҳнат ярмаркасида ўнлаб ёш мутахассислар турли корхона, ташкилот ва муассасаларда доимий ишлаш учун йўланма олди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Касб-ҳунар камолга элтар

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 226-умумтаълим мактабида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишга бағишланган ота-оналар мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларни билим ва салоҳияти, қизиқишига мос касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари ҳусусида фикр юритилди.

— Ўқувчиларни бугунги кунда талаб катта бўлган мутахассисликларга йўналтиришга ҳаракат қилишимиз, — деди мактаб директори Наби Нийзов. — Ҳусусан, улар ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб дизайнерлик, энергетика, ахборот технологиялари, sanoat

ва ишлаб чиқариш йўналишларига ҳужжат топширишса, келажакда ишга жойлашишда қийналишмайди. Буни ота-оналарга мунтазам тушунтириб бордик. Битирувчи ўқувчиларимизнинг деярли барчаси коллеж ва лицейларга ҳужжат топшириб бўлишди. Таҳлил-

лардан маълум бўлмоқдаки, улар ота-онаси, устозлари ва психологлар билан маслаҳатлашган ҳолда энг мабул йўналишларни танлашган.

Тадбирда қизларни эрта турмушга бериш оқибатида турли оилавий низолар, ажримлар кузатилаётгани, бирор касб-ҳунарни эгаллаб, сўнг турмуш кураётган ёшларнинг оиласи мустаҳкам бўлиши ҳусусида фикр-мулоҳаза билдирилди.

**Нигора БОТИРОВА,
ЎЗМУ талабаси**

Tanlov

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ўтказилган «Онам айтган аллалар» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида қуйи босқичларда ғолиб бўлган ёшлар иштирок этди. Танлов «Алла», «Ёр-ёр», «Лапар ва ўлан» йўналишларида ўтказилди. Ёш иштирокчилар халқ қўшиқларини маромига етказиб қўйлалар.

— Халқимиз донишмандлигини ўзида мужассам этган эзгу удулларимиз, урф-одатлар ҳамда халқ оғзаки ижодиётининг ранг-баранг намуналари ёшлар онгига шундай тадбирлар орқали сингдирилди, — дейди танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби, драматург Пўлат Айтмуратов.

Танловда Қўнғирот туманидаги 36-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Э.Садықбаева ижро этган алла юқори баллга сазовор бўлди.

**Б.ЗИВАТДИНОВ,
Қорақалпоғистон таълим, фан ва маданият
ходимлари касба уюшмаси республика
кенгаши мутахассиси
А.ПИРИЯЗОВ,
«Ma'rifat» мухбири**

Қизлар алла айтади

Одина Мирзаева Бекобод шаҳар санъат коллежининг II курс ўқувчиси. У ёшлигиндан лапар ва ўланлар айтишни яхши кўради, бувисидан халқ қўйларини ўрганиб келади.

Одина таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ўтказилган «Онам айтган аллалар» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши алла ижроси» номинациясида ғолиб бўлиб, республика босқичига йўланма олди.

Кўрик-танловда 18та туман (шаҳар)-дан келган жамоалар ўзаро беллашишди. Танлов натижаларига кўра, Зангиота тумани жамоаси «Энг яхши ўлан, лапар ижро этган жамоа» деб топилган бўлса, «Энг яхши миллий кўриниш» номинацияси Чиноз тумани ўқувчиларига насиб этди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Изланиш самаралари

ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ёш тилшунос ва адабиётшуносларнинг анъанавий илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Институтнинг ёш олимлар кенгаши томонидан «Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги ёш олимлар нигоҳида» мавзусида ўтказилган мазкур анжуманда таниқли олимлар, республикамиз илмий муассасалари стажёр-тадқиқот-

чи-изланувчилари ҳамда олий ўқув юртлири талабалари иштирок этди.

Анжуман аввалида устоз олимлар бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, илм-фан тараққиётида ёш олимларнинг ўзига хос

ўрни ва масъулияти ҳақида тўхталиб ўтдилар. Анжуман иштирокчиларининг илмий мақолаларидан таркиб топган «Изланиш самаралари» номли тўплам ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

Асосий маърузалардан сўнг баҳс-мунозаралар тилшунослик ва адабиётшунослик шўъбаларида давом этди.

Б.ФАЗИЛДИНОВ

Оромгоҳларда кўчма тўғараклар

Бухоро туманида жойлашган «Ёш пахтакор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи болажонлар билан гавжумлашди.

— Оромгоҳимизда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг тўрт мавсум давомида дам олиши режалаштирилган, — деди оромгоҳ раҳбари Шўҳрат Саҳатов. — Ҳозир 120 нафар бола мароқли хордиқ чиқармоқ-

да. Уларнинг 20 нафари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир. Мавсум давомида 310 нафар бола соғломлаштирилди.

«Ёш рассомлар», «Драма», «Моҳир қўллар», «Спорт биз билан» ҳамда «Ёш китобхон» каби кўчма тўғаракларнинг ташкил этилиши болаларга ўзгача завқ бағишламоқда.

**Гулчеҳра АШУРОВА,
ЎЗМУ талабаси**

Yoz—2012

«Шунқор»даги болалар

Янгибозор туманидаги футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернат қошидаги «Шунқор» иқтидорли болалар оромгоҳи биринчи мавсумда 140 нафар болани ўз бағрига олди.

— Мавсумда 400 нафар боланинг дам олиши мўлжалланган, — дейди оромгоҳ раҳбари Ҳамро Бектемиров. — Оромгоҳлар ўртасида ўтказилган танловда «Шунқор» тўрт мартаба ғолибликни қўлга киритди. Катта етакчи Нигора Қўчқорова 22 йиллик педагогик тажрибага эга бўлиб, 8 йилдирки, оромгоҳда болалар билан иш олиб боради. У «Маънавият ва маъри-

фат» хонасининг жиҳозлашига алоҳида эътибор қаратди. Тарбияланувчиларга маънавий озуқа берадиган, қадриятлардан ҳикоя қилувчи стендлар, бадиий адабиётлардан тарбиянинг муҳим воситаси сифатида фойдаланади. Оромгоҳ кутубхонасига 6000дан ортиқ адабиётлар келтирилган. «Кичик ҳайкалтарош», «Пазанда», «Футбол», «Моҳир қўллар» тўғаракларига бо-

лажонлар катта қизиқиш билдиришмоқда.

— Лойдан эртак қаҳрамонларини яшаш жуда қизиқарли, — деди Севинчой. — Ирода Бобожонованинг қўлларида сеҳрли тарзда «дунёга келган» ҳайвонлар, рўзгор буюмларини кўриб, жуда ҳавасим келди, тўғаракка аъзо бўлдим.

«Ниҳол» муқофоти совриндор Умидбек Юсуповнинг концерт дастури болаларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Мамлакатимиз Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ва 2012 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича ҳисоботларини кўриб чиқдилар. Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазир Р.Азимов маъруза қилди. Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижро этилиши устидан парламент назорати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, шунинг учун ҳам бу масала доимо халқ ноибларининг диққат марказида бўлади. Мазкур ҳисоботлар сиёсий партиялар барча фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси қатор кўмиталарининг мажлисларида дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Маърузаларда таъкидландики, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган салбий ҳолатларга қарама-қарши кенг қамровли дастур чоралари қўрилганини, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг изчил амалга оширилаётганлиги туфайли 2011 йилда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланди.

2011 йил якуналарига кўра, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,3 фоизга, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 6,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмлари 8,1 фоизга, чакана товар айланмаси 16,4 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмлари 16,1 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспорт маҳсулотлари тузилмасини диверсификация қилиш, маҳсулот сотиш бўйича янги таъкид бозорларни фаол ўзлаштириш 2011 йилда экспорт ҳажмларининг 15,4 фоизга ўсишини, ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо миқдорининг анча ортиши ҳамда мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг кўпайишини таъминлади.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта қуроллантириш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмлари 11,2 фоизга кўпайди. 1006та янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, 144та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ниятисига етказилди. "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкнинг маблағлари ҳисобидан қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар асосида 7400тага яқин уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Инвестициялардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини муваффақиятли жорий қилиш эвазига қўшимча қиймат солиғи тушумлари 2010 йилга таққослаганда 22 фоизга кўпайди, бу эса мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг энг муҳим ютуғидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш рағбатлантириш борасида қўрилган чора-тадбирлар унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 52,5 фоиздан 2011 йилда 54 фоизга кўпайтириш таъминлади. Барча омилар ҳисобига аҳолининг реал пул даромадлари 2012 йилга таққослаганда 23,1 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётни ривожлантиришга доир кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида Давлат бюджетининг 2011 йилдаги ижроси тасдиқланган параметрларга мувофиқ, шунингдек, иқтисодиётнинг солиқ юқини камайтирган ҳолда ижро этилди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари-га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётида жиддий иқтисодий силжишларни

таъминлади. Чунончи, жорий йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,5 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмларини 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларини 12,6 фоизга кўпайтириш ҳисобидан таъминланди. Ички талаб-ни янада рағбатлантириш ва аҳолининг харид қувватини ошириш борасида қўрилган чора-тадбирлар чакана товар айланмаси ҳажмларининг — 11 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш — 20,1 фоизга ҳамда аҳолининг жами даромадлари — 26,2 фоизга ўсишини таъминлади.

Биринчи чорада бюджет ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг мажлисида алоҳида таъкидландики, ҳисобот даврида Давлат бюджетини ижро этишда асосий эътибор ижтимоий соҳага, яъни таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга, аҳолини мақсадли ижтимоий ҳимоя қилишга, биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилди.

Савол-жавоблардан сўнг батафсил муҳокама бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Баҳс-мунозаралар чоғида ЎзЛиДеП фракцияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган қулай шароитлар ва берилган солиқ имтиёзларига эътиборни қаратдилар. Хусусан, ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши бюджет тушумларининг камайишига олиб келгани йўқ, аксинча, солиқ солинадиган базанинг кенгайтирилиши ҳисобига бюджет тушумлари ўтган йилга таққосланганда 31,4 фоизга ўсганлигини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бир чорда жойларда қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун шароитларни янада такомиллаштиришга, фермер хўжалиқлари фаолиятини рағбатлантиришга, бу хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун ҳисобга китобларни ўз вақтида амалга оширишга қаратилган талабларни бажаришга доир тақлифлар билдирилди. Корхоналарда иш-

лаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатларни қисқартириш, қишлоқ жойларга замонавий мини-технологияларни жалб этиш масалаларига эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

ЎзХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилганлигини, чунончи харажатларнинг 58 фоизи айнан шу соҳага ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши 2011 йилда бир миллионга яқин янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берди, шундан 68 фоиз қишлоқ жойларига тўғри келади. Шунингдек, "Мустақам оила йили" Давлат дастурини амалга оширишга жорий йилнинг биринчи чорагида барча молиялаштириш манбаларидан 271 миллиард сўмдан ортқ маблағ йўналтирилди. Шу билан бирга ЎзХДП фракцияси вакиллари бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП фракцияси депутатлари оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш рағбатлантиришга қаратилган ва яқиндагина қабул қилинган қонунларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратдилар. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун ажратилаётган маблағларни самарали сарфлаш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП фракцияси депутатлари маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиши устидан депутатлик назоратини кучайтиришга даъват этилди.

Шунингдек, туристик фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали туризм соҳасини ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисmini кўпайтиришга олиб келувчи кичик шаҳарлар ва этник маданий марказларни ривожлантириш масала-

сига алоҳида урғу берилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари бюджетда газначилик бошқаруви тизимининг жорий этилиши туфайли эришилган ижобий натижаларнинг муҳимлигини таъкидладилар. Инновацияларга асосланган иқтисодиётни модернизация қилиш бюджет маблағларини сарфлашнинг муҳим йўналиши бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бунда депутатлар қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш учун маблағлар ажратиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг молиялаштириш ҳажмларининг ҳар йили ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар. Чунончи, агар 2010 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга Давлат бюджетидан 48,9 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 84,2 миллиард сўмни ташкил этди. Айни бир вақтнинг ўзига Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар табиати муҳофаза қилиш ва турар жой мавзеларини ободонлаштиришга, шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқлар инфратузилмасини яратишга ажратиладиган бюджет маблағларини самарали ўзлаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Ҳукуматга бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир этувчи омиларга, чунончи, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимандалик, дебиторлик ва кредиторлик қарзорликнинг аҳолига алоҳида эътибор қаратиш тақлиф этилди.

Депутатлар Давлат бюджети бўйича ҳисоботлар юзасидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакилларига қўллаб-қувватлаш беришди.

Масалалар атрофлича муҳокама этилганидан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ва 2012 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича ҳисоботларни тасдиқлади.

Муҳокама якуналарига кўра, Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Республикаимиз умумтаълим мактабларида якуний давлат аттестацияси низоъланиб, ўқувчилар таълимнинг кейинги тури — ўрта махсус, касб хунаар таълими муассасаларида тахсилни давом эттиришга тайёргарлик кўришмоқда. Тўққиз йил таълим-тарбия олган жонажон мактаби билан хайрлашиш улар учун қанчалик хаяжонли бўлса, куни кеча якунланган имтихонлар ҳам ана шундай унутилмас дақиқаларга бой бўлди. Зеро, эгаллаган билимларини синовдан ўтказган ўғил-қизлар имтихонларда юқори натижаларни қайд этиб, ўзларига ишончи янада ортди.

Хусусан, пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларида ҳам якуний аттестация ва босқичли назорат имтихонлари Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2011-2012 ўқув йилини якунлаш, ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш ва синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтихонларини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғига асосан ташкил этилди.

Деярли барча умумтаълим мактаблари лаборатория жиҳозлари билан таъминлангани ўқувчиларнинг йил давомида тегишли фанлардан амалий машғулотларни бажариш кўникмасини ҳосил қилиб боришида муҳим ўрин тутди. Шу боис жорий йилдан якуний давлат аттестацияси ва синфдан-синфга кўчириш босқичли назорат имтихонларига тажриба тариқасида қиритилган амалий саволлар уларга қийинчилик туғдирмади. Аксинча, йил давомида ўрганганларини так-

СИНОВЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

рорлаш, малакасини янада ошириш имконини берди.

Ўқувчилар кимё фанидан ош тузини тозалаш, аралашмадан темир қириндисини, ёғоч қипиғи ва қоғоз бўлақларини ажратиш каби амалий машғулотларда лаборатория тажрибаларини ўтказиш бўйича мустақам билимга эга эканини намоеън этди. Айниқса, тажрибада асқотадиган анжомларни мустақил равишда танлай билишгани имтихон балллари янада ортишига сабаб бўлди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ёшлар орасида спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Бугун умумтаълим мактабларининг 80 фоиздан зиёд ўқувчиси спорт билан ошно. Бу аксарият битирув-

чиларнинг жисмоний тарбия фани бўйича аттестация имтихонларини аъло баҳоларга топширганида яна бир бор ўз аксини топди.

— Олдинги йилларда якуний аттестация тест ва оғзаки шаклда ўтказилар эди, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази директори Нодира Шомансурова. — Кеча

ниҳоясига етган имтихонлар эса ёзма (амалий) ва оғзаки ташкил этилгани ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ҳам синовдан ўтказиш имконини берди. Бу йил пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларини 38 минг 655 нафар ўқувчи битирмоқда. Айни пайтда улар таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олинапти.

Ўқувчиларнинг тўққиз йил давомида тўплаган билимларини ҳолис баҳоловчи, устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатлари самарасини кўрсатувчи муҳим жараёнга пухта ҳозирлик ўқрилгани, ўзлаштириш даражаси паст ўқувчилар билан алоҳида иш олиб борилгани имтихонларни белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказиш имконини берди.

Yakuniy attestatsiya

— 2011-2012 ўқув йилида мактабимизни 162 нафар ўқувчи тамомилапти, — деди Юнусобод туманидаги 258-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Майсара Ўринова. — Ота-оналар ва мактаб психологи билан кенгашиган ҳолда уларни қобилияти ва лаёқатига қараб касб-хунарга йўналтирдик. Якуний давлат аттестациясида танлаган йўналишларига доир фанлардан юқори кўрсаткичларни қайд этишгани уларнинг танловда адашмаганларидан далолат берди. Хусусан, 9-синф битирувчиси Зайниддин Содиқов Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейга ҳужжат топширган эди. Имтихонларда аниқ фанлар ва информатикадан юқори балл тўплаб, ўз келажақ тақдирини белгилаш йўлида оғишмай ҳаракат қилаётганини исботлади.

Айтиш жоизки, барча фанларни яхши ўзлаштиргани ва намунали ҳулки учун IV—VIII синф ўқувчиларидан бир қисми 26 майдан 2 июнгача ўтказилган босқичли назорат имтихонларидан озод этилди. Бу эса уларга ўзига хос рағбат бўлди. Яхши кайфият билан таътилга чиққан ўқувчилар кейинги ўқув йилини ҳам кўтаринки руҳда, ўзгача иштиёқ билан бошлаши табиий.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
Ибодатхон НИЁЗОВА



МАДАНИЯТ УЙИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзбек миллий санъатини ривожлантириш, соҳа вакилларининг профессионал малакасини ошириш, иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш йўлида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Жойларда замон руҳига монанд қад ростлаётган ва қайта таъмирланаётган кўркем санъат қўшоналари соҳа истиқболига қаратилаётган алоҳида эътибордан далолатдир.

Фарғона вилояти Қувасой шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли маданият уйи капитал реконструкциядан чиқарилди. Кўркем санъат қўшонасидаги 600 ўринли концерт зали, шинам ва ёруғ маш-

ғулот хоналари замонавий усулда жиҳозланган. Маданият масканининг ҳовлиси манзарали дарахтлар, ранг-баранг гулларга бурканган.

Маданият уйи қошидаги «Карнай-сурнай», «Юлдузча», «Тантана», «Ўзал» ашула ва рақс гуруҳларига юздан зиёд ўғил-қиз жалб этилган. Бу ерда, шунингдек, тилшунослик, тикувчилик, рассомлик, модельер-дизайнерлик йўналишларида тўғарақлар ишлаб турибди.

Суратда: Қувасой шаҳар марказий маданият уйи ходимаси Мунира Отакулова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ИККИНЧИ — ДОИМ БИРИНЧИ

Бу мактаб 2-сонли бўлса-да, доимо биринчи бўлиб тилга олинади. Ҳа, 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби Фарғона шаҳрида етакчи ҳисобланади. Таълим муассасасида ўқувчиларни етук ва баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Муассасада «Устоз-шогирд» аънаъаси яхши йўлга қўйилган бўлиб, ёш муаллимларга тажрибали педагоглар бириктирилган. Ўқувчи ва ўқитувчилар ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиб, «ZiyoNET» ресурс-маркази маълумотлари билан мунтазам танишиб боришади. «Интернетда энг яхши дарс ишланмаси»

кўрик-танловнинг республика босқичида мактаб ўқитувчиси Елена Китаева 1-ўринни олгани беҳиз эмас.

Ўқувчиларнинг турли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллашида индивидуал машғулотлар олиб бориш катта аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, билимлар белашувининг вилоят босқичида 8 нафар ўғил-қиз фахрли ўринларни қўлга киритган бўлса, спорт тўғарақларида шуғулланаётган Шерзод Шодиев ва Нодирбек Аскарров Навоийда ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақасида баскетбол бўйича вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича ҳам тўғарақлар ташкил этилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотувидан тушган маблағ эса Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, имконияти чекланган болаларни байрамларда йўқлаш учун сарф этилади. «Китоб марафони» тадбирида ўқувчилар томонидан мактабга китоб совага қилиш аънаъа тусини олган. Натижада, мактаб кутубхона фонди бойиб, 20 мингга назарий,

бадий адабиётлар ва 3 мингга дарсликлардан

ўқитувчию ўқувчилар самарали фойдаланишмоқда.

— Ўқувчиларимиз эришган ютуқларни кўрганда улардан-да кўпроқ хурсанд бўламиз, — деди муассаса раҳбари Соҳибжамол Тонготарова. — Аксинча бўлса, билимларидаги бўшлиқни тезроқ бартараф этишга интиламиз. Дарс мавзуларини ўзлаштиришда ортда қолаётган ўғил-қизлар билан алоҳида ишлашга эътибор берамиз. Бунинг натижасида ўқув йили якунида дарсларни ўзлаштириш 98 фоизни, самарадорлик эса 83 фоизни ташкил этди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

НИЯТЛАР ЭЗГУ, МАҚСАДЛАР УЛКАН

Навбатдаги ўқув йили ҳам ниҳоясига етди. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш шу куннинг долзарб вазифаси. Жиззах транспорт алоқа касб-хунар коллежини бу йил 501 нафар ўқувчи тамомлайди. Шартнома асосида амалиётни ўтаган битирувчиларнинг 356 нафари бевосита ана шу корхона ва ташкилотларда иш билан таъминланди. Ишга жойлашиш учун уч томонлама шартнома тузган ўқувчилар 474 нафарни ташкил этади, яъни уларнинг 94,6 фоизи иш билан таъминланиш кафолатига эга.

Етти йўналиш бўйича касб ўрганаётган ўқувчилар тажрибали устоз-мураббийлардан ўзлари қизиққан соҳалар бўйича малака ва кўникма олди. Буни ўқувчиларнинг амалиёт даврида олган тавсифномаларида амалиётчи ташкил этилган ташкилотлар билдирган фикрлардан ҳам билса бўлади.

Орзухон Одилов компьютер тармоқлари йўналишида тахсил олади. У амалиётни Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонасининг Жиззах филиалида ўтказди. Мазкур филиал вилоят аҳолисиغا алоқа хизмати кўрсатишга ихтисослашган. Шу соҳада элга хизмат қилиш Орзухоннинг мақсади эди. У эзгу ниятига эришди. Ўқишни тугатгач, мазкур корхонада алоқачи бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади.

— Мен коллежнинг транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил қилиш бўлимида ўқияпман, — деди Асрор Алимов. — Тўғриси, ўқишнинг дастлабки кунларида ўзим ҳам, ота-онам ҳам ўқишни битиргач, қаерда ишлар эканман, иш топилавермади, деган ҳадикда эдик. Лекин бунга ҳоҳат йўқ экан. Шаҳримизда йўловчиларга транспорт хизмат кўрсатиш ҳажми ва кўлами кенгаймоқда. «Жиззах олимпик» масъулияти чекланган жамияти йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан бири. Мен шу ерда амалиёт ўтадим. Келгусида шартнома асосида йўловчи ташишни ташкил этиш бўйича ўз мутахассислигим бўйича иш билан таъминландим. Бундан гоят хурсандман.

— Бозор иқтисоди талабларини ҳисобга олган ҳолда йўналишларни ташкил этиш ва шу асосда ўқувчиларни ўқишга қабул қилишни таъминлаш, — деди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Убайдулла Муқимов. — Жамиятимиз тарққий этган сайин аҳоли-

га хизмат кўрсатиш турлари кенгаймоқда. Масалан, кундалик ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Бу малакали компьютер бошқарувчиларини ишга жалб этиш имконини оширомоқда. Шунингдек, транспорт хизмат кўрсатиш ҳам тобора такомиллашиб, оммалашиб бораётир. Шу боис ҳам транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш йўналишида тахсил олаётган ўқувчиларимизнинг иш билан таъминланиши осон кечаяпти.

Kollej + korxona

Ахборот технологиялари бўлими битираётган Зебо Шарипова вилоят компьютерлаштириш марказига дастурчи мутахассислиги бўйича шартнома асосида ишга қабул қилинди. Ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганидан тенгдошлари қатори Зебонинг ҳам кайфияти аъло, кўнгли тўқ. Электр тармоқлари ва жиҳозларни монтаж қилиш йўналишида ўқишни битираётган йигит-қизларнинг ҳам ишга жойлашишида муаммо бўлмапти. Турсунбой Жўрабоев ҳам иш билан таъминланган ўқувчилардан бири. У келгусида Жиззах вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонасида электр назоратчиси вазифасида ишлайди.

Коллеж битирувчилари орасида кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган йигит-қизлар кўпчиликини ташкил этади. Мазкур коллежда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрган ўз бизнес режасига эга ёшлар бор. Уларнинг тадбиркорликнинг бошлаши учун эса, албатта, маблағ зарур. Убайдулла Муқимовнинг таъкидлашича, коллежда тахсил олаётган 14 нафар ўқувчининг бизнес режаси таҳсинга лойиқ. Айни кунда мазкур ўқувчиларга кредит ажратиш учун керакли ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири



МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида магистрлик диплом топишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Жорий йилда 198 нафар талаба 17 мутахассислик бўйича диссертацияларни муваффақиятли ҳимоя қилиб, магистр унвонига эга бўлди.

Тошкент ахборот технологиялари университети — Марказий Осиё телекоммуникация ва ахборот тизимлари соҳасидаги энг йирик таълим муассасаларидан бири. Университетда 28 кафедра, 37 ўқув ва 10 тадқиқот лаборатория-

си, ўз тармоғига эга 10 компьютер маркази, замонавий компьютерлар ва мультимедия синфхоналари, 400 мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда университет қиёфаси тубдан ўзгарди. Университет биноси, аудитория ва синфхоналар, талабалар ўли капитал таъмирланди, янги ўқув биноси, 700 ўринли ошхона ва 400 ўринли спорт мажмуаси бунёд этилди.

Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА)
олган сурат.

ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИ

доимий семинарларда ошади

Юртбошимизнинг жорий йил 28 майда қабул қилинган «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида касб-хунар коллежлари ҳузурида ўқитувчиларнинг замонавий ахборот коммуникация воситаларини қўллаш асосида илғор педагогик технологияларни эгаллашлари бўйича доимий фаолият юритадиган семинарларни ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Тошкент автомобиль ва йўллар институтидида шу мақсадда ташкил этилган семинарда олий таълим муассасаси, шунингдек, институт билан ҳамкорлик ўрнатган 39 касб-хунар коллежи ва академик лицейнинг педагоглари иштирок этди. Тадбир давомида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ёшларимизнинг касбий кўникмаларини мукаммал эгаллашига хизмат қилиши, таълим жараёнини ўқишнинг ноанъанавий усуллари билан бойитиш йўллари тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

— Ушбу семинарнинг ташкил этилишидан мақсад узлуksиз таълим тизимини модернизациялаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан ўқув-услубий, илмий-методик ҳамкорликини ривожлантиришдан иборат, — деди институтнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори Носирхон Акбаров. — Тадбир давомида ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам мулоҳазалар билдирилди. Таъкидлаш жоизки,

Юртбошимизнинг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллашти-

Seminar



ришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори олий таълим муассасаси билан академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди.

Йиғилишда услубий курсатмаларнинг аҳамияти, услубий материал сифатида автомо-

билъ саноати тараққиётига оид автомобилларнинг механизмларини ифодаловчи, двигателъ ҳаракатини кўрсатиб берувчи схема ва слайдлар намойиш этилди. Мавзунини тўлиқ ўзлаштириш ва ўрганилаётган объектнинг тузилиши бўйича ўқувчининг аниқ тасаввурга эга бўлишида мазкур мультимедиа материалларининг аҳамияти катта бўлади.

— Коллежимизда автомобильларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўналишида кичик мутахассислар тайёрланади, — деди Миробод саноат касб-хунар коллежи ўқитувчиси Самандар Ҳодиев. — Бугунги семинарда дарсини ташкил этишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчиларга

пухта билим бериш, касбий кўникмаларини шакллантириш бўйича янги маълумотларга эга бўлди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири
Владимир ГРАНКИН
олган сурат.

ЖУРНАЛДА РАҚОБАТ МАЙДОНИ

«Бошланғич таълим» журнаlining 5-сон мазмун-мундарижаси янада бойинган. Муқовадаги спортга ошно болалар сурати «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақасидан тайёрланган рангли суратли репортаж билан ҳамоҳанг. Сўнгги муқованинг ички қисмидаги «Бошланғич синфнинг бир кун» фоторепортажи эса қизиқарли ва оригиналлик билан ажралиб турибди. Нафақат таълимий жараён, балки ўқувчиларнинг дарсдан кейин ва танаффус пайтида нималар билан шуғулланиши, бир-бирига ва ўқитувчисига самимий муносабати суратларга муҳрланган. Бошланғич синф ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича берилган салмоқли илмий-методик материал ва тавсиялардан ҳар бир синф раҳбари унумли фойдаланиши мумкин. Ўқувчиларни касбунарга қизиқтиришда қандай янги дарс усул-

лари ва методикалар маъқул, деган саволга ҳам журнал саҳифаларидан жавоб топасиз.

Ёз мавсуми кўйи синф ўқувчилари учун энг мароқли ва саргузаштларга бой давр саналгани боис унга махсус тайёргарлик кўрилади. «Оромгоҳлар чорлайди» ва иссиқ кунларда болалар саломатлигини асраш, очик сув ҳавзаларида чўмилиш қоидалари борасидаги мутахассис маслаҳати ҳам муштарийлар учун жуда асқотди.

Рус тилида чоп этилган дарс ишланмалари ранг-баранглиги билан диққатни тортади. Хонкизи ҳақидаги эртак эса мактаблар қошида очилган оромгоҳларда ўқувчиларга ўқиб берилса, айни муддао. Мантқий ва математик ўйинлар хусусида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин.

Журнал муаллифлари орасида ижодий рақобат майдони яра-



тиш, энг сара материалларни рағбатлантириб бориш мақсадида «Маҳорат» танлови эълон қилинди. Бундан буён ҳар фаслда энг фаол қалам аҳли олтига номинация бўйича голиб деб топилди ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Агар сиз ҳам ўз билимингизни синаб, ижодий қобилиятингизни намойиш этишини хоҳласангиз, танловда иштирок этишингиз мумкин. Сизга омад, албатта, қулиб боқад.

Насиба ЭРХОНОВА

Jurnallarni varaqlaganda

УСПОЗЛАРГА ЗАРУР ҚУМАКЧИ



«Тил ва адабиёт таълими» журнали А4 ҳажмда чоп этилаётганидан хабарингиз бор. Материаллар рангли-бесакли ва мавзуга доир суратлар билан ҳамоҳанг берилмоқда. Ўқиб олинганда, у нафақат шаклий, балки мазмунан ҳам ўзгарганини кўрамиз. Шунингдек, журналнинг рус тилидаги вариантыда ҳам талайгина янгиликларга қўл урилган.

Журналнинг 2012 йил май ойида чиққан сони асосан амалий аҳамиятга эга методик материаллар билан бойитилган бўлиб, ҳар бир ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси учун асқотиши аниқ. Ўқув жараёнида қўлланиладиган дидактик усуллар, кенг қамровли синф саволларини тайёрлашга ўқитувчи бир ёки икки кун мобайнида улгуролмайди. Айни таътил мавсумида ўқитувчилар шундай мураккаб мавзулар устида кўп бош қотиришад.

Нашрда эълон қилинган синф саволларини янги ўқув йилида ўқувчилар эътиборига ҳавола этсангиз, улар

ўрганаётган асарларини синчиклаб ўқиб, мушоҳада юритишад.

Тил таълимида интерфол усуллардан қай йўсинда фойдаланиш мақсадга мувофиқ? Бу саволга жавоб топишда ҳам журнал саҳифаларида ёритилган «Музёра», «Чигилёзди», «Баҳс-мунозара» усулларини қўллашдаги ўзига хосликлар асқотди. Чет эллик сайёҳга Ўзбекистонни таништириш бўйича берилган дарс ишланма ва дунё халқлари топишмоқларининг матний муштарак хусусиятлари тўғрисидаги мутахассислар материаллари ўқитувчилар иш столидан муқим ўрин олиши табиий.

«Тил ва адабиёти таълими» тизимдаги ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини очиб берилган таҳлилий мақолалар, тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишидаги янги илмий тадқиқотлар, намунали хорижий тажрибаларни ёритиш бўйича танлов эълон қилди. Номинациялар билан қизиқаётган бўлсангиз, журнал билан танишинг ва ижодий салоҳиятингизни синаб кўринг. 1-ўринни эгаллаган ижодкор-совриндорлар энг кам иш ҳақининг 5 баробари, 2-ўринга энг кам иш ҳақининг 3 баробари, 3-ўрин эса энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Н. АБДУСАИДОВА

«Таълим тўғрисида»ги қонунда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш алоҳида таълим тури сифатида эътироф этилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки малака ошириш орқали педагоглар давлат таълим стандартларининг мазмуни ҳамда таълим-тарбия жараёнининг янги шакл ва методларини эгаллаб, ўз назарий билимларини, амалий кўникмаларини узлуксиз янгиллаб боради.

Малака оширишнинг ҳозирги зamon мазмуни ўзида уч туркум фанларни қамраб олади: маънавий-маърифий, психологик-педагогик ва касбий фанлар. Булар педагогларнинг касбий маҳоратини оширишни таъминлайди. Педагог ўз касбий маҳоратини давлат талаблари асо-

замонавий технологияларни қўллаш, дидактик шароитларни аниқлаш кабилар қамраб олинганлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, давлат талаблари малака ошириш йўналишларини бошқарув ва педагог кадрларга мўъаллаб, малака оширишнинг ташкилий-услубий

Malaka oshirish

метъерий ҳужжатларни билиши; таълим-тарбия жараёни самарасини таъминловчи моддий-техник базасига оид ахборотларни ўзлаштириши бўйича маърузалар ташкил этилган.

Малака ошириш дастурлари ва машгулотлари самарадорлиги, албатта, шахс билан ҳам боғлиқ. Жумладан, етарли билим ва тажрибага эга, таниқли бўлган педагоглар томонидан ўтказиладиган машгулотлар самараси юқори бўлади. Шу боис бўлса керак, биз

БИЛИМ, КЎНИКМА ВА ТАЖРИБА

ўқув жараёнини юксалтиради

сида такомиллаштириш мақсадида малака ошириш курсига муножаат қилади, аниқроғи, ОТМ йўлланмаси билан педагог ходимлар малакасини ошириш курсига маълум муддатга ўқишга келади. Ана шу курснинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади. Педагогнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини мазкур курс доирасида амалга ошириладиган ва илмий асосланган ўқув жараёнлари ёрдамида қаноатлантириш мумкин.

Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш давриликларини таъминлаш ва ташкил этиш олий таълим муассасалари деканлари, декан ўринбосарлари ҳамда ўқув бўлими бошлиқларига боғлиқ. Бу тоифадаги бошқарув ходимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Ана шундай дастурлардан бири Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касбунарс таълимини ривожлантириш марказида қўлланилаётган.

Мазкур дастур узлуксиз таълимни ташкил этиш, педагогларнинг касбий тайёргарлигини кучайтириш, фаолиятини тизимли таҳлил қилиш, ўтилатган машгулотлар самарасини таъминлаш, ахборот ресурслари ва

таъминотини, унинг сифатини баҳолаш механизмларини белгилаш имконини беради. Малака оширувчиларнинг касбий функцияларини ва асосий вазифаларини аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, декан лавозимидагилар учун ОўЮларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда педагогик маҳорат билан биргаликда бошқарув фаилатларини эгаллаш, ўқув жараёнини услубий кетма-кетликда ташкил этиш ва бошқарув, педагогик ва ёшларнинг психологик хусусиятларини жиддий ўрганиш, жамоа билан ишлаш ва ҳамкорлик руҳиятини ўрнатиш, ижтимоий тарғибот ва ташкилотчилик фаолияти каби функциялар жуда муҳим ҳисобланади. Агар дастлабки функциялар бевосита бошқарувга оид бўлса, кейингилари декан фаолиятининг умумий тузилмасига кирди.

Мазкур малака ошириш дастурида таълим-тарбия жараёнини бошқариш билан боғлиқ бўлган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва амалга ошириш; педагогнинг психология-педагогика фани бўйича тайёргарлиги; фанни мукамал билиши, касбий маҳорати; замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдалана олиши, олий таълим тизимига оид

томонимиздан ўзлаштирилган дастурга республика миқёсининг етакчи олимлари, жумладан, профессорлар, доцентлар жалб этилган.

Биз улар томонидан ўқилган маъруза ва давра суҳбатлари асосида таълимнинг замонавий бошқарувини ташкил этиш ва ўтказиш услублари, бошқарув таҳлили ва мезонларини белгилаш; педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини шакллантириш ва таъбиқ этиш юзасидан кўплаб янги маълумотлар билан танишишга муяссар бўлди.

Мазкур курсда тизимли ёндашув яратилганлиги, илмий-амалий ўқув манбаларининг мавжудлиги, замонавий техника ва технологиялар билан таъминланганлиги, уларга билим-ли ва юксак педагогик маҳоратга эга педагогларнинг жалб этилганлиги, узлуксиз таълим тизими бўйича тажриба алмашуви, билим ва кўникмаларини тиклаш, уларни тўзириш ва янгиллаш, келажакка қаратилган педагогик вазифаларни ечишга ёрдам берди.

З.АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент ирригация
ва мелiorация
институтини
Б.МАМАТОВ,
Андижон давлат
тиббиёт институтини
дегани,
Ш.АХМЕДОВ,
Қарши муҳандислик-
иктисодий институтини
дегани ўринбосари

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида техник ижодкорликка йўналтирилган тўғрақларни ташкил этишдан кўзланган мақсад, ўқувчиларнинг ўқув йили давомида давлат талаблари бўйича олган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, тақомиллаштиришдан иборат. Қуйида «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган услубий материаллар ҳавола қилинмоқда. Оромгоҳ ходимлари булардан имконият даражасида ва шарт-шароитга қараб фойдаланишлари мумкин.

«Авиамодель» тўғараги ташкил этиш орқали боладаги билим янада ривожлантирилади. Уларга самолётнинг энг содда моделларини ясаш ўргатилади. Моделлаштириш, конструкциялаш жараёни болада фикрлаш қобилиятини ўстиради, техник савиясини оширади, предметга бирор мақсад билан қараш, таққослаш, қисмларга ажратиш, уларда умумийлик ва фарқларни топа билиш, буюм ва нарсанинг асосий қисмларини ўй-фунлаштиришга ўргатади.

Машгулот мавзулари: «Авиамоделизм» ҳақида маълумот бериш (назарий 1 соат). «Самолётнинг «Стрела» моделини тайёрлаш (2 соат амалий машгулот). «Планер» моделини ясаш (назарий 1 соат). «Самолётнинг симметрик моделини тайёрлаш» (2 соат амалий машгулот). «ЯК-42» самолётининг моделини ясаш (3 соат амалий машгулот).

Мавзуларни мустаҳкамлаш учун **якуний машгулот** ўтказилади. Болалар томонидан ясалган моделлар бўйича мусобақа уюштирилиб, ғолиблар тақдирланади.

Моделлар устида ишлаш жараёни: объектни тўғри танлаш, унинг тасвирлари билан танишиш, график материални таҳлил қилиш, зарурий ишчи

чималар, эскизлардан нуска кўчириш ва тайёрлаш, деталларни чизмага қараб режалаш, уларни тайёрлаш ва техник расмга қараб текшириш, топилган камчиликларни тузатиш, қурилмани қўлдан чиқариш каби босқичларни ўз ичига олади.

Моделнинг ясаиш технологияси. Даставвал самолёт модели қисмларининг андозаси тайёрлаб олинади. Бунинг учун кўрсатилган ўлчамдаги модел қисмлари чизмасини қалин картон қоғозга тушириб, қирқиб олиш керак. Сўнг ватман ёки **A-4** формат-

лик қобилиятини ривожлантириш. Спорт-техник йўналишдаги бу тўғарака асосан ўғил болалар танлаб олинади.

Машгулот мавзулари: «Кема моделларининг тузилиши, уларнинг турлари» (назарий 1 соат). «Қайиқ моделини тайёрлаш технологияси (2 соат амалий машгулот). «Елканли кема моделини тайёрлаш» (3 соат амалий машгулот). «Катамаран» моделини ясаш (3 соат амалий машгулот).

«Авиамодель» тўғараги сингари бунда ҳам 3 соатлик **якуний машгулот** ўтказилиб, ясалган моделлар намоиш

Оромгоҳ ходимида ярдამ

Машгулот мавзулари: «Бошланғич техник моделлаштириш» тўғараги ҳақида маълумот бериш», «Геометрик шаклларга умумий тушунча бериш» (назарий 3 соат). «Геометрик шакллар орқали юк машинаси моделини аппликация қилиш» (3 соат амалий машгулот). «Оригами усулидан фойдаланиб, қайиқча моделини ясаш» (3 соат амалий машгулот).

Якуний машгулотда ўтил-

ган арининг андозаси чизиб олинади. Тана қисми учун конус ёйилмаси, бош қисмига доира ва қолган қисмларини чизмага кўра чизиб мумкин. Андоза қирқиб олинган, рангли картон, рангли қоғоздан керакли деталлар тайёрланади. Ари ўйинчоғи учун сариқ, оловранг, қора, пушти, ҳаво рангдаги қоғозлар керак. Андоза ёрдамида олов ранг картон қоғозга конус ёйилмаси чизиб талаб қилинади. Қолган андозалар ҳам картон қоғозларга туширилади. Бош қисмини иккита қилиб сариқ рангдаги картонга, «қўли» ва «соч»ларини ортиб қолган олов ранг картонга чизиб олинади. Арининг йўл-йўл чизиқларини қора рангли картондан, оёқ кийимини пушти рангдаги картондан ясаш мақсадга мувофиқ.

Қирқиб олинган қисмлар бир-бирига мувофиқ тарзда елиmlанади.

Ушбу модел иштирокида композиция тайёрлаш учун яшил рангдаги картондан майса қирқиб, ёрқин ранглардан эса гуллар ясаш мумкин. Гуллар майсага елиmlанади, ари унинг ёнига ёпиштирилади. Қарабсизки, ҳажмдор ари ўйинчоғи тайёр.

ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

ли қоғозга андоза асосида чизма туширилади. Қайчи ёрдамида қирқиб олинган қанот қисми аввал пунктир чизиги бўйлаб букилади ва ПВА елими ёрдамида ёпиштириб қўйилади.

Навбатдаги иш — фюзеляж, самолётнинг тана қисмини йиғиш. Унинг ҳар икки томонида кил, яъни куйруқ қисми бўлмаган фюзеляж бўлаклари елиmlанади. Кейин моделнинг олд қисмига икки томонидан юк қисмлари елиmlаниб маҳкамланади. Фюзеляж тайёр бўлгач, моделнинг пастки қисмига олд қанотлар, кил қисмига орқа қанотлар елиmlаб ёпиштирилади.

Елим қотганидан сўнг, моделга қўшимча ишлов бериш мумкин. Тўғрақ иштирокчилари ўз хоҳишига кўра безак ишлари (моделни бўяш, маҳсус ёзувлар ёки суратли ёрлиқлар ёпиштириш)ни амалга оширадилар.

«Кемасозлик» тўғараги га у билан аввалдан шуғулланган ўқувчилар жалб қилинади. Мақсад болаларда ихтирочи-

қилинади. Чироили ва сифатли тайёрланган ижод намуналари рағбатлантирилади.

Тўғарақ машгулотлари учун зарурий хомашё: узунлиги 130 мм., қалинлиги 5 мм. бўлган пенопласт, 200 мм. х 300 мм. ўлчамдаги картон қоғози, рангли қоғоз ёки лавсан плёнка, ПВА елими, 150 мм. х 22 мм. ўлчамдаги рейка.

Фойдаланиладиган иш қуроллари: пенопласт кесувчи махсус мослама, канцелярия пичоғи, қайчи, чизғич, қалам.

Моделнинг ясаиш технологияси: ҳар қандай моделнинг асосини чизма ташкил этади. Демак, ишни шундан бошлаш керак. Чизманинг ўлчамлари аниқ-тиниқ бўлсин. Ноаниқ ва бетартиб чизилган чизма моделнинг деформацияланишига олиб келади.

«Бошланғич техник моделлаштириш» тўғараги ҳам мактаб ўқувчиларининг техник ижодкорлигини ўстиради. Ўқувчилар модель ясаш жараёнида фикрлашга, изланишга, янгилик яратишга ўрганади.

ган мавзулар мустаҳкамланади. Ижод намуналаридан кўргазма уюштирилади.

Ушбу тўғарақда асосан ҳажмдор ари ўйинчоғи ясалани. Уни **ясаш технологияси** қандай? Ҳажмдор ўйинчоқлар одатда картондан ясалани. Пирамида, конус, цилиндр, куб каби геометрик шакллар танланиб, улардан эртак қаҳрамонлари, ҳайвонлар образи яратилади.

Биринчи навбатда оқ қоғоз-



ЁЗ БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТМОҚДА

Ҳоз — 2012

Кўкка бўй чўзган арча ва чирноқлар ҳовли сатҳига куюқ соя ташлаган. Ариқчада жилдираб сув оқади. Бежирим йўлакчалар бўйлариди раиғ-баранг гулларга капалак ва ниначилар учиб-кўнади. Болакайлар капалакни тутмоқчи бўлиб, унинг ортидан чо-пишади.

— Жамшид, капалакларни барибир тутолмайсан, овора бўлма. Яхшиси, юр, биз ҳам «Оқ теракми, кўк терак?» ўйнаймиз, — деди синфдошига Ёдгор.

Икки ўртоқ болалар томон шо-пилишди...

Мактаб томининг соясида шаш-ка ўйнаётган болаларнинг ҳаяжонини ўзгача. Ёш шашкачиларнинг ўй-хаёли ғалабада. Атрофда томошабинлар уларнинг ҳар бир юриши-нин завқ ва ҳаяжон билан кузати-шади. Ўйинда қатилмаган усулларни қўллаган Мафтуна рақибидан устун келди.

Ёзги таътил кунларини мазмун-ли ва мароқли ўтказибтган бу бо-лакайлар Зомин туманидаги 15-мактаб қошида ташкил этилган «Шодлик» кундузги соғломлашти-риш болалар оромгоҳининг дам олувчиларидир. Бу ерда болалар-нинг мазмунли ҳордиқ чиқариш-

лари учун барча шароитлар яра-тилган.

— Ёзги соғломлаштириш мав-сумини ўтказишга олдиндан пух-та ҳозирлик қўрдиқ, — деди мак-таб раҳбари Абдуҳаббоб Муҳай-минов. — Ётоқхона, ошхона, ўйин майдонлари санитария-гигиена та-лабларига тўлиқ жавоб беради. Соғломлаштириш оромгоҳида машгулотларни олиб бориш учун тахрибали ўқитувчилар жалб этил-ган.

«Шодлик»да 100 нафар 1—4-синф ўқувчилари дам олмақда. Мактаб ўйин майдончаси, спорт зали, ахборот-ресурс маркази дам олувчилар ихтиёрида. Кичкинтой-лар бу ерда миллий ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказиш им-кониятига эга. Айниқса, АРМ ҳам-и-ша ўқувчилар билан гавжум.

— Менга ўзбек халқ эртаклари ёқди, — деди мутлоагага берил-ган Шахноза Алмуродова. — Ах-борот-ресурс марказида эртак ки-тоблар жуда кўп. Уларни мири-қиб ўқиямман.

Машгулотларни мазмунли ва қизиқарли ташкил этишда Був-изил Жонбоева, Муяссар Ярла-қובה, Дилсора Зайиндинова каби тарбиячиларнинг хизмати кат-та. Улар кундалик иш режаси асо-

сида иш олиб боришади. Машгу-лотлар асосан очиқ ҳавода ўтка-зилмоқда. Вақти-вақти билан ўқу-вчилар туман марказидаги тарих музейи ва диққатга сазовор жой-ларга саёҳат уюштирмоқдалар.

— Набирам Лобар Бобожонова оромгоҳда дам олмақда, — деди меҳнат фахрийси Хосият Фафуро-ва. — Бу ерда болажонларга яра-тилган шароит жуда яхши. Ётоқ-хоналари саранжом-саришта, бе-рилаётган таомлари ҳам сифатли. Фарзандларимизга кўрсатаётган бундай ғамхўрлиги учун ташкилот-чилардан гоёта мамнунмиз.

Жиззах вилоятида ўқувчилар-нинг ёзги таътилин мазмунли ўтказиш учун кенг қамровли иш-лар амалга оширилди. Мактаблар қошида ташкил этилган 42та кун-дузги оромгоҳда мавсум давомида 4000 нафар ўқувчи дам олиб, са-ломатликларини тиклайди. Шаҳар ташқарисидидаги оромгоҳларда эса 3750 нафар ўқувчи дам олиши мўлжалланмоқда. Бундай тадбир-лар ўқувчиларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиб, янги ўқув йи-лига куч-қувват тўпашига хизмат қилади.

Абдусаттор СОДИКОВ

Жиззах вилояти

Бўстонлик тумани Бурчмулла қишлоғидаги «Бахтли ёз» болалар ёзги дам олиш оромгоҳи Кўксув ва ТяньШань тоғ тизмалари этагидидаги Чорвоқ сув ҳавзаси бўйида жойлашган. Табиати ҳайратланарли даражада сўлим. Бу масканда «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғарма-си ҳомиилигида Тошкент шаҳридаги 21, 22, 23, 24-Меҳрибонлик уйларининг 7—16 ёшли тарбияланувчилари ҳамда пойтахтимиздаги рус ма-данияти марказининг шу ёшдаги ўқувчиларидан иборат 200 нафар бола 8 гуруҳга бўлинган ҳолда ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказмоқдалар. Улар

ТАБИАТ ҚЎЙНИДАГИ ОРОМГОҲ

учун футбол, волейбол, бадминтон, шахмат-шашка, стол тенниси ва бошқа спорт тўғарақлари ташкил қилинган.

Оромгоҳда болаларнинг билим савиясини юксал-тириб боришга ҳам эътибор қаратилади. Жумладан, куннинг биринчи ярмида интеллектуал ўйинлар асо-сида ўқувчиларнинг ўзбек, инглиз, рус, немис, ита-льян тилларини пухта ўзлаштиришлариға кўпроқ аҳамият қаратилса, куннинг иккинчи ярмида этика, эстетика, стилистикаға доир мавзулар юзасидан на-зарий ва амалий сабоқлар ўтилади. Дам олаётган-лар орасида республика, халқро мусобақаларда тур-ли йўналишлар бўйича фахрли ўринни эгаллаган истеъдодли болалар ҳам борлигиға гувоҳ бўладиқ.

Шерзод ҚУРБОНОВ

Тошкент вилояти

Афсонавий шаҳар қадим Афина Акрополининг энг юқори нуқтасида қад ростлаган Парфенон ибодатхонасини 2500 йилдан буён тутиб турган бир неча баҳайбат устун қаварикларига ўчмас из солган кечмиш инсон тафаккури нечоғлик юксак эканлигидан гувоҳлик бериб тургандек. Кўл меҳнати эвазига яратиб кетилган мўъжиза ҳикмати неча авлод алмашган бўлса-да, ҳамон инсониятни ҳайратлантиради ва бунёдкорликка ундайди.



очишли маросими бўлиб ўтди. Иккинчи жаҳон уруши туфайли реконструкция ишлари тўхтатилди. 1975 йили Парфенон ибодатхонасини қайта таъ-

«БОКИРА ҚИЗ»

ИНСОНИАТНИ ҲАМОН ҲАЙРАТЛАНТИРМОҚДА



Қадим Афина шаҳри ёдгорликлари, Олимпия уйинлари ватани тарихи, унинг ўзигагина хос бўлган анъаналари, дунё тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш неча юз йиллардан буён минглаб олимлар олиб бораётган тадқиқотларнинг асосий мақсади бўлиб келаётгани бежиз эмас. Хусусан, сайёҳлар томонидан «олис ўтмишнинг жонли гўшаси» дея таърифланган Акрополь тарихий обидалар мажмуаси юнонлар ўлкасининг чинакам фахр-ифтихориغا айланган. Бундай инсон ақлу зақоси эвазига бунёд этилган «мангу шаҳар» қиёфасини бевоқифа кўриш, завқланиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчақларидан миллионлаб одам ташриф буюради ва олам-олам таассуротлар олиб қайтади. Айниқса, тарихий шаҳарга бутунлай ўзгача маъно ва мазмун бахш этувчи Афина ибодатхонаси «юраги»да қад ростлаган Парфенон ёдгорлиги алоҳида тавсифга лойиқдир.

Башарият мўъжизаларидан бири сифатида тан олинган Парфенон иншооти жозибаси, тилла суви юритилиб ишланган ниҳоятда нозик жилолари ҳаёлинига худди инсон қўли гул эканлиги, диди ва қобилияти ҳақида энг чиройли қасида айтаётгандек туюлади. Бу қадар буюк яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига қодир бўлган ўтмиш аждодларнинг ҳозиргидек техника ёки технологияларсиз ҳам неча минг йиллаб ўз қимматини йўқотмайдиган қурилиш лойиҳасини ижод эта олганига беихтиёр лол қоласиз.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича, Афинанинг Акрополь шаҳрида жойлашган қадимий грек антик меъморий ёдгорлиги бўлган Парфенон ўша даврларда шаҳарнинг асосий ва бош ибодатхонаси бўлган. Унинг неча юз йиллардан буён одамлар қалбига тобора кўпроқ ҳайратланарли из қолдиришида, ба-

рҳаётлигида ўзига хос сиру асрор бор. Улардан бири — бинонинг ҳар бир детали ўз даврининг энг етук ижодкорлари, усталари томонидан яратилгандир. Содда қилиб айтганда, Парфенон — Европадаги энг буюк усталар тафаккури ва услублари бирлашган ёдгорлик. Ёдгорлик бетакрор қурувчи Калликрат томонидан афсонавий меъмор Иктин лойиҳаси асосида милоддан аввалги 447—438 йилларда барпо этилган. Бу ерда замонасининг энг номдор усталаридан бўлган Перикл бошчилигидаги гуруҳ милоддан аввалги 438—431 йилларда пардозлаш ишларини олиб борган.

Орадан бир неча йиллар ўтиб, бугунги кунда иморат бирмунча нураб, ўзининг ноёб безакларидан, жило ва ўзига хосликлардан айрилган. Шунинг учун ҳам айна вақтда уни қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари олиб борилаётти.

«Парфенон» сўзи грек тилидаги «Парфенос» сўзидан олинган бўлиб, «бокира қиз» маъносини англатади. У IV асрда бошлаб шу ном билан аталган.

Парфенон ёдгорлиги дорий (Грециядаги вилоят) — ион услубида қурилган. Бинонинг асосий — жанубий қисмидан ибодатхонага ташриф буюрувчилар учун махсус кириш йўлагига ажратилган. Иморатни олд ва орқа томондан 8та, ён томонларидан 17та юнон меъморчилиги услубида қурилган устунларни ушлаб туради. Ҳар бири 10—12та устма-уст қўйиб чиқилган бўлақчалардан иборат устунларнинг узунлиги 10,4 метрни ташкил этади. Шуни ҳам айтиш керакки, Парфенон пентель мрамаридан ишланган дунёдаги энг қадимий миноралардан бири саналади.

Бинонинг шарқ томонидagi сарровлари фриз(кенг нақшли ҳошия)лар билан безалган. Жанубий қисмига жозоба берган фризларда эса қадимги юнон асотирлари қахрамонла-

ри акс эттирилган. Фарбий фризларда қадимги Тесеининг Амазонкага қарши мардонавор жанги ифодаланган. Миноранинг шимолий сарровлари учун ишланган фризларда Троянлар олишуви гавдалантирилган.

Қадимги дунё тарихини ўрганган таниқли олим Павсаний ўз битикларида, бокира аёл тимсоли бўлмиш — Афина ҳайкалининг умумий баландлиги тахминан 10 метрни ташкил этишини, гавдаси асосан ёғочдан, шунингдек, фил суягидан, энгиди тасвирланган либоси ҳамда бошидаги гулчамбар эса вазни 1150 килограммга тенг олтиндан ишланганлигини, обиди тик турган ҳолатда, бошдан-оёқ тасвирланганлигини, илоҳа Афинанинг чап қўли билан узун найзага таяниб турган вазияти яратилганлигини таъкидлаб ўтган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, ҳайкалнинг энг биринчи тасвирида Афина чап қўлида боши атрофига ўралиб олган илон тасвирланган қалқонни ушлаб турган экан. Афсуски, йиллар шамоли емирган Афинанинг илк кўринишини сақлаб қолиш ёки қайта жонлантириш имкони бўлмаётти.

Дунё сайёҳлари Акрополни антик юнон ёдгорликлари жамланган ўзига хос ансамбль деб аташади. Акрополда Писистрат (ёки Солон) ёдгорлиги қаторида Гекатомпедон иморати ҳам қад ростлагани унинг шундай аталишига асос бўлган. Милоддан аввалги 447 йилдан бошлаб Афина гуллаб-яшнаган. Бу даврда кўплаб ижодкорлар, санъат аҳли томонидан бирин-кетин ўлмас асарлар яратилди. Айна шу вақтда Перикл золим босқинчилар томонидан вайрон этилган кўплаб иморатларни қайта қуриш ва Акрополнинг аввалги кўринишини тиклаш тақлифи билан чиқади. Бунинг учун у ҳарбий мақсадлар учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш кераклигини айтади. Бу фикр, ўз навбатида, кўпчиликда норозилик кайфиятини уйғотди. Бироқ ҳар қанча эътирозларга қарамай, Перикл тақлифига биноан шаҳарда қайта жонлантириш ишлари бошлаб юборилди.

Шаҳарга қайта тириклик нафасини улаштиш ишларига моҳир уста Фидий бош этиб тайинланди. Иморатларнинг аксарият қисми безакларига тилла суви гууртирилади. Бироқ

орадан икки юз йилча фурсат ўтиб-ўтмай, милоддан аввалги 268 йилда эллинизм (юнон ва миср маданиятларининг қўшилиб ривожланган даври) даврида золим ҳукмдор дея танилган Лахарнинг буйруғи билан иморатлардаги олтин ҳайкаллардан тиллалар ажратиб олинган.

Бу билан иморатлар «боши»даги суронлар тиниб-тинчиб кетгани йўқ. Милоддан аввалги II асрда эса ибодатхонада катта ёнгин юзага келади, лекин орадан кўп ўтмай, у яна таъмирланади. Римликлар томонидан 146 йилда Греция босиб олинган, бир қанча ҳайкалтарошлик намуналари қатори Акрополь бутлари ҳам Италияга олиб кетилади. Парфенон ибодатхонасининг ўзи насронийлар черковиға айлантирилди. Тарих солномаларида битилишича, 693 йилдан бошлаб

мирлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борила бошланди.

Бинонинг 1687 йилги портлашга бўлган ҳолати тасвирланган бирорта ҳам сурат топилмагани лойиҳани амалга ошираётган мутахассисларга катта қийинчилик туғдирган бўлса-да, мутахассислар обидани асл ҳолича қайта тиклашга имкон қадар ҳаракат қилишди. Антик даврда қўлланган айрим қурилиш материаллари ўрнига замонавий воситалардан фойдаланилди. Германиянинг Гейдельберг университети ҳамда АҚШнинг Гетти музейлари раҳбарияти хайрихоҳлиги билан бир вақтлар олиб кетилган экспонатлар Грецияга қайтариб берилди.

2009 йили янги Акрополь музейи ишга туширилди. Музейда Парфенон ибодатхонаси билан боғлиқ ноёб экспонат-



мазкур иморат «Маъмурий черков округидаги бош ибодатхона» дея аталган.

Орадан бир неча юз йиллар ўтиб, яъни, 1687 йили Афина Франческо Морозин бошчилигидаги Венеция ҳарбийлари қўлига ўтди. Ўша вақтларда инсоният ғоятда эъзозлаб келган буюк ёдгорликдан бор-йўғи қурол-аслаҳа сақланувчи омборхона сифатида фойдаланилди.

Узоқ ўтмишнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш Парфенонга нисбатан ваҳшиёна муносабат Греция мустақил ҳукумати додди бўлгач, буткул барҳам топди. 1928 йили бинони бутунлай қайта қуриш, йўқолган бўлақларини янгидан ясаш, иморатнинг фундаментал қўринишини тиклаш лозимлиги ҳақида фикрлар илгари сурилди. Ана шундай эзгу сай-ҳаракатлар натижасида 1930 йилнинг 15 майида бинонинг шимолий қисмининг тантанали

лар учун алоҳида зал ажратилган. Музейга ташриф буюрувчилардан тўлганда маблаг эвазига Парфенонга узлуқсиз равишда таъмирлаш ишлари йўлга қўйилгани аҳамиятли, албатта.

Парфенон ЮНЕСКОнинг «Бугун жаҳон маданий мероси» туркумидаги ёдгорликлар рўйхатиға киритилган.

Бугун аллақачон инсониятнинг маънавий мулкига айланган бу нодир меъморий мажмуани томоша қилиб, унинг содда, бироқ гайриоддий нақшлари, безаклари, баланд ва бежирим устунларида «яшаб келаётган» қадимги юнон халқи санъатини бор бўй-баста билан кўргандек бўламиз. Дунё мўъжизалари сафида турган бу маскан яна бир неча асрлар давомида «тарих китоби»нинг жонли саҳифаларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

ИНТЕРНЕТНИ ТЕЗЛАШТИРИШГА КЎМАКЛАШАДИ

Массачусетс технологик институти (АҚШ) олимлари тармоқлар сифими ва узатилаётган ахборотлар ҳажмини оптималлаштириш имконини берадиган коммуникацион тармоқларда ахборот узатиш назариясини ишлаб чиқди, деб ёзда «IEEE Transactions on Information Theory» нашри.

Бугун кўплаб компьютер тармоқларининг фаолияти шовқин бор-йўқлигига қарамай, ишончли ахборотни узатишга асосланган. Бунда тармоқлар сифими ва узатилаётган ахборот ҳажми иккиламчи аҳамиятга эга. Интернетнинг иш алгоритми шу тартиб асосида ташкил этилган — ҳар бир «туғун» маълумотни олғач, уни занжир бўйлаб навбатдагисига узатиши ва шу тартибда фойдаланувчига етказиши зарур. Айни пайтда ахборот мазмунини ўзгармаслиги лозим. Олимлар эса ахборотни узатишнинг бошқа бир методи — тармоқни кодлаш усулини тақдир этишмоқда. Бунда тармоқда ахборот узатиш ҳажми ортиши кутилиб, у қуйидаги тартибда ишлайди: А ва Б ахборотлари АБ «туғун»га бирилашиб, шу ҳолда бир қанча бошқа «туғун»ларга узатилади. Бир пайтда иккита ахборот (А ва Б турдагилари) келадиган «туғун» қисқа ҳисоб-китоблардан сўнг Б ахборотни тиклаши мумкин.

Бир қарашда, мазкур ҳолат тармоқни ортқича ахборот билан юқлайдигандек туюлади, аммо у тармоқ сифимини кенгайтиришга хизмат қилади.

НООДАТИЙ САМАРАЛИ ПАРХЕЗ

Швециялик олимлар кўп миқдорда ёғ ва кам миқдорда углеводли пархез таомлар қанд касаллигининг иккинчи тури аниқланган инсонлар учун фойдали эканлигини таъкидлашмоқда. «EurekaAlert!» манбасида баён этилишича, Линчепинг университети олимлари Ханс Гулдбранд ва Фредрик Нистромнинг икки йиллик изланишлари натижаси ўлароқ бундай хулосага келинди.

Таъкидланишича, одатда мазкур хасталик аниқланган беморларни даволаш ёғсиз таомларни истеъмол қилиш ва енгил жисмоний машқларни бажариш орқали олиб борилади. Касалликнинг бошланғич даврида ҳатто бироз бўлса-да вазн ташлаш бемор организмидеги углевод алмашинуви миёёраштиради. Тадқиқот жараёнида олимлар 61 нафар беморни ҳеч қандай танловга асосланмаган ҳолда икки гуруҳга ажратди. Биринчи гуруҳдагилар таркибида ёғ кўп, углевод эса кам бўлган таомларни истеъмол қилган бўлса, қолганлар одатдагидек ёғсиз овқатлар билан пархез қилган. Жараёнда ҳар икки гуруҳдагилар тахминан бир маромда озиб борган. Олти ойдан сўнг эса биринчи гуруҳ беморларида қондаги глюкоза моддасининг ўртача кўрсаткичи пасайгани аниқланган. Уларнинг ҳолати яхшиланиши боис касалликни даволаш курси суръати пасайтирилган. Натижада уларнинг қонда яхши турдаги альфа-холестерин миқдори ошиб, атеросклероз ва юрак-қон томирлари хасталиқларининг олди олинган. Айни пайтда иккинчи гуруҳдагиларда айтарили ижобий ўзгаришлар сезилмаган. Шу боис, тадқиқотчилар ёғсиз таомлар билан пархез қилишни маслаҳат беришмаяпти. Негаки, бундай пархез бемор вазнини камайтиришдан бошқа фойда келтирмайди: у на липопротеинлар, на қондаги глюкоза миқдорини ўзгартирай экан.



Натанаси, бундай пархез бемор вазнини камайтиришдан бошқа фойда келтирмайди: у на липопротеинлар, на қондаги глюкоза миқдорини ўзгартирай экан.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан 4-MRT-2012 ва 5-MRT-2012-рақамли тендер савдоларида ғолиб бўлган иштирокчилар рўйхати

Лот	Дарсликлар номи	Тили	Синфи	Адади	Ғолиб нашриётлар номи
4-MRT					
1	Алифбе	қорақалпоқ	1	9 979	«Ўқитувчи НМИУ»
2	Алифбе	қозоқ	1	6 752	«Ўқитувчи НМИУ»
3	Она тили (Эне тили)	қирғиз	1	976	«Ўқитувчи НМИУ»
5	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қорақалпоқ	1	9 979	«Ўқитувчи НМИУ»
6	Ўқиш китоби	қозоқ	1	6 752	«Ўқитувчи НМИУ»
7	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	туркман	1	874	«Ўқитувчи НМИУ»
8	Ўқиш китоби (Oqu kitabi)	қозоқ	3	6 244	«Ўзбекистон» НМИУ
9	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	тожик	3	8 087	«Ўқитувчи НМИУ»
10	Ўқиш китоби (Oquy kitebi)	қирғиз	3	862	«Ўзбекистон» НМИУ
11	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	туркман	3	889	«Ўзбекистон» НМИУ
5-MRT					
1	Она тили (Ene dili)	туркман	1	874	«Ўқитувчи НМИУ»

ҚАХРАТОН ҚИШ ОДАТГА АЙЛНАДИ(МИ?)

«Океанология» («Oceanography») журналида чоп этилган мақолада ёзилишича, 2011 йили АҚШ ва Европада қиш қаттиқ бўлган, айни пайтда Гренландия ва Аляскада нисбатан мўтадил об-ҳаво шароити кузатилган. Жорий йилда эса АҚШ ва Ғарбий Европада қиш охирида ҳаво исиб кетган бўлса, Марказий Европа ва Осиёда қаҳратон қиш ҳукмронлик қилди.

Қишда Шимолий ярим шардаги экстремал об-ҳаво шароитлари одатда Арктика осцилляцияси(атмосфера тебраниши)нинг салбий фази билан боғлиқ, дейишмоқда мутахассислар.

Уларнинг фикрича, Арктикада ўзгаришлар туфайли эндиликда бу ердаги қишнинг ноодатий кечиши узоқ муддат давом этиши мумкин. Океанортидаги Корнелл университетидеги ўтказилган изланишда шу хулосага келинди.

Таъкидланишича, Арктик осцилляция ижобий фазада бўлганда қучли қўб шамолли вужудга келади. Шу туфайли арктик ҳаво массалари қўб ҳудудда «тикин»да қилиб ўрта кенгликларга етиб бормайди. Қолаверса, айнан мазкур ҳолат сабабли атмосферадаги тез оқимлар нисбатан тўғри йўналиб, қиш мўтадил келишига туртки бўлади. Лекин сўнгги йилларда осцилляция ўта кескин фазада бўлиб, 2010 йили кўплаб ҳудудларда рекорд даражадаги паст ҳарорат кузатилган. Гап шундаки, қўб шамоллари тезлиги пасайиб, совуқ арктик ҳаво ўрта кенгликлардаги ҳаво массалари билан аралашиб кетади. Натижада қучли оқимлар ҳам нисбатан сусллашиб, кескин равишда шимол ва жануб томон эса бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, АҚШ ва Ғарбий Европада қаҳратон қиш бўлишига олиб келмоқда.

Бир неча йил аввал кўплаб олимлар узоқ муддатга чўзилиб кетган салбий фаза Арктикадаги музликларнинг эриши билан боғлиқ, деган назарий тахминини илгари суришган эди. Охириги изланишдаги жиддий ва батафсил кузатувлардан сўнг мазкур фикр ўз тасдиғини топди.

ГАЗЛИ КИЙИМ ЯРАТИЛДИ

АҚШнинг «Klymit» компанияси томонидан ноодатий изоляцияланган материалга эга «Ulaag» устки кийими яратилди. Изоляция материалы вазифасини совуқ ҳавода кийимга дамланидиган ёки иссиқ пайтда чиқариб ташланадиган аргон газини ўтади, дейилади «Гизмаг» манбасида.

Компания аргонли устки кийим ноутбук номли технология (у 2009 йилдан бери қўлланилиб келади) асосида яратилган дастлабки либос эканини маълум қилмоқда. Дизайнерларнинг фикрича, аргон газининг иссиқлик ўтказиш кўрсаткичи паст бўлгани боис у бундай турдаги кийимларни яратиш учун жуда қулай экан.

Ноутбук технологиясининг яна бир устун жиҳати: махсус насос ва газ билан тўлдирилган қаттиқлар фақатгина совуқ ҳавода кийим изоляциясини таъминлайди. Масалан, ҳаво бирдан совиб кетганда уни аргон билан тўлдириш ёки исиб кетганда газни чиқариб ташлаб кийимни енгиллаштириш мумкин. Юмшоқ эластик углеводли матодан тикилган ушбу кийим тез қуриydi ва микроларга ўта чидамли. «Ulaag» жорий йил кузида сотувга чиқарилиши мумкин.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Лондондаги Олимпия ўйинлари ташкилотчилари мусобақалар учун қурилаётган объектлардаги ишларнинг 98 фоизи якунлангани, бунинг учун ажратилган 9,3 миллиард фунт миқдоридеги умумий бюджетдан 476 миллиони тежаб қолинганини маълум қилди.

АҚШ суди молиявий эҳромни ташкил этиб, инвесторларга умумий миқдорда 7 миллиард долларга яқин зарар етказган, фирибгарлик, жиноий мақсадда тил бириктириш ва ҳақиқатни ошкор этишга қаршилик кўрсатишда айбдор деб топилган теҳаслик собиқ миллиардер, 62 ёшли Аллен Стэнфордни 110 йиллик қамок ҳазосига маҳкум этди.

ОПЕК — Нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти Вена шаҳрида ўтказилган конференцияда келгусида «қора олтин»нинг жаҳон бозоридаги нархи пасайиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида унинг қулниқ казиб олиш квотасини (қунига 30 миллион баррель) сақлаб қолишга қарор қилди.

Германия энергия концернлари атом қувватидан белгиланган муддатдан 14 йил олдин воз қечишга қарор қилингани боис ҳукуматдан 15 миллиард евро бадал пулини талаб қилмоқда ва ҳозир уларнинг даъвоси Карлсруэдаги Федерал конституцион суд томонидан кўриб чиқилмоқда.

«Франс-Пресс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Франция ҳуқуқ-қаттибот органлари томонидан 2007 йили фаолиятини бошлаб, умумий қиймати 9 миллион евродан ортқ бўлган 350 мингта сохта пулларни чиқарган мамлакат тарихидаги энг йирик жиноятчилар тўдаси қўлга олинди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси Техник-эксплуатация хизмати ва ҳўжалик бўлими 1-тоифали муҳандис Раҳимжон Юсуповга ақаси **АХМАДЖОН ОТАНИНГ** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси бош ҳисобчиси Салоҳиддин Тошматовнинг падари бўзқувори **ЗАЙНИДДИН ОТАНИНГ** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг «Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари» кафедраси катта ўқитувчиси **Алишер СОБИРОВНИНГ** вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Фикралар

КАЛТАКДАН
КЎНГИЛ
ОҒРИСА...

Йигитлик — масъулият, ҳамият, ғурур, сўзда собитлик, садоқат ва мардлик. Шунча юкни кўтариш осонми ёки бекаму кўст инсон борми? Йўқ, дерсиз! Аммо бу тушунчалар ўзаро шу қадар чамбарчас боғланганки, айро тасаввур этиб бўлмайди. Гўё бири иккинчисини тўлдириб туради.

... Болалик чоғимиз ниманингдир баҳонасида кўп уришардик. Чиллакми, бештошми, қулоқ-ўзмами ўйнардик-да, ўртада низо чиққач, жанжал бошланарди. Икки жўжаҳўроз майдонда мардларча олишишга ваъдалашиб кўл сиқишгач, "тўдабоши" хуштак чаларди. Тўртбеш дақиқалик "тарс-туро", "гуп-гуп" ичида, шубҳасиз, бировнинг бурни қонар ёки тиши синар, ҳеч бўлмаса, ерга йиқиларди.

Кимдир шу заҳоти бақирарди.

— Тегма, бурнини ювсин! Яна бир бола чопонининг йиртиқ ўрнини қидиради.

— Кимда пахта бор? — Менинг тўнимни йиртинглар! — дейди ғолиб мағлубга тикилиб.

Калтак еган афтини ювиб, рақибига:

— Уришамизми? — дейди.

— Йўқ, — деди у, — мен сени тош билан урдим. Номардлик қилдим.

У мушт кўлини очди-ю, ичидан ёнғоқдек тош тушиб

кетди. Болалар дафъатан уни ўраб олишди-да, менга имлади(ўша калтакланган мен эдим).

— Кани, муғомбирдан ўчингини ол!

У аламдан йиғлагудек алфозда турса-да, орият кучли, кўкрагини зарбга ўнглади. Индамай, ўртоқларимнинг "хай-хай" ига эътиборсиз уйга қайтарканман, уйдагилар, айниқса, акам сезиб қолишидан хавотирда эдим.

— Болам, яна ёқалашдингми? — деди ойим оstonада кутиб тураркан. — Бетинг шишибди. Вой, жағингга нима қилди?

— Дарахтдан йиқилдим, шох... синиб кетди...

Онам ёлғонга ишонди чоғи, суриштириб ўтирмади. Шохдан йиқилган ҳеч вақт бурни билан тушади-ми?! Эҳтимол, менинг ботиний ғалаёнимни онам тушунгандир... Отам дарров пайқарди.

ОТАМНИНГ
УСЛУБИ

Отам бирор айб иш қилсак, рўпарасига ўтқазарди-да, сўроққа тутар ва шундай ачитиб гапирардики, оловга тушган хазондек қалб ёнар, ичдан буни такрорламасликка ўзимизга сўз берардик. Хаёлдан "бундан кўра саваллагани маъқул эди" деган фикр ўтар, ойим бизнинг аҳволимизни кўриб отамга "жим" қабилда имларди.

Чамамда, олтинчи синфда ўқирдим. Бир сафар футбол баҳонасида қоронги

тушгунча мактаб стадионидеда қолиб кетдим. Уйга қайтаётганимда вақт хуфтонга яқин эди. Куз бўлгани боис, зумда атрофга қуюқ туман тушди ва тўрт-беш метр нари-берини кўрсатмай қўйди. Хадиксираб, олдинга ошиқарканман, қаршимдан фонар кўтарган киши келаверди. Бир кўлида гаврон солди. Бир «чим-м» этиб, оғриқ қолди-ю, буйруққа итоатда тезлашдим. Аммо сездимки, отам ҳар қадам босишимни кузатаркан, йигирма одимча ташлаганимиздан сўнг, деди:

— Тўхта. Кел, кўтариб олай!

"Йўқ" деб тихирлик қилсам ҳам, гавронни улоқтириб, мени опичлаб кўтарди. Уйга етганимизча юрагим алланечук оғринди. Гоҳ дамнинг "таёқ қаттиқ тегмадимми?" маъносидедаги қараш қалбимни эзса, гоҳ миқ этмаётганидан ўзимни койирдим... Бояги авайлабгина урилган гаврон заҳри аллақачон унутилган, иллю, йўл-йўлақай ўқтирилган гаплар бошимда ғужғон ўйнардди. Назаримда, отамнинг кўнгли оғрирди. Дўстимнинг кечаги хангомасини эшитиб менинг ҳам кўнглим оғриди.

ДЎСТИМНИНГ
ХИКОЯСИ

Ўқишдан кеч чиқдим. Кўчада негадир одам сийрак, битта-иккита ўқиш ё ишдан қайтаётганлар учрарди. Манзилим маҳалла ичи-

да бўлгани боис, кўча бошида автобусдан тушиб қолдим-да, аста-секин илғари юрдим. Имиллаб кетиб борарканман, қий-чувдан сергаклиб олдинга ошиқдим. Муқошига етгач, не кўз билан кўрайки, икки йигит жикқа-мушт эди. Оралиқ масофа анча олислиги сабабми, ёхуд чарчоқ устунлигиданми, шундай — бамай-лихотир одимладим ва ёнидагилар ажратишар деб ўйладим. Бирок "жанг" бирдан оловланди. Кимдир зарбдан додлаганча ортага чекинди-ю, кузатувчилар таоман саросимада қолишди. Йиқилаётган йигитни дўстлари бир амаллаб ўшлаб қолишди. У сўкинганча рақибига ёпишди. Бу ҳам етмагандек ўртоқлари унга қўшилишди. Дўстига ёрдам тариқасида бири йигитнинг юзини муштга ўнглаб, бошқаси кўлини қайирарди. Нақ учиб бордим-у, калтакланаётганининг олдини тўсдим. Уни деворга паналатиб ҳимояларканман, ноҳос бир-икки зарб елкамга тегди. Теварақдан бирор чора изларканман, шу яқинга машина келиб тўхтади ва ичидан хайдовчи отилиб чиқди. Ҳамма тирпилаб қолди ва гўё ҳеч нарса бўлмагандек, тарқала бошлашди. Амаки иккимиз уни уловга тикдик. У зўрма-зўраки жилмаяркан, "Йигитчилик-да!", дерди. Шу пайт анча олислаётган "полвон"га кўзим тушди. Ғолиб "ғалаба"сини овоза қилиб бақирар, бағоят мамнун эди. Мен ичимда қулдим:

"Ютқазиб ҳам ғолиб бўлиш мумкин!.."

"ЙИГИТ БЎЛИБ
ТУҒИЛДИНГМИ,
ЙИГИТДЕК ЯША!"

Ўтган ҳафта бир тўйда ўша бурнимни қонатган қадрдонимни учратиб қолдим. Барчамиз йиғилиб гурунглашарканмиз, суҳбат ёшлик кезларимизга бориб тақалди ва бирдан ўша воқеа кўз ўнгимда гавдаланди. Кулиб эсладик, ҳамма-нинг ёдига экан. Шундан кейин менга ҳалигача маъхум жиҳатни билиш имкони туғилди ва унга юзландим.

— Ўшанда болалар уришганмиди?

— Йўқ! — деди у кесиб.

— Нахотки!..

У "кулоғингни тут" ишорасини бергач, пичиради.

— Дўппослашганда яхшироқ эди.

— Нима учун?

— Чунки, ҳалигача унутолмайман!

Мен "тушунмадим" маъносига унга тикилдим.

У изоҳлашга ўтди.

— Сен кетиб қолгач, раис (биз ҳақамни шундай атардик) "Тилингни чиқар!" — деди. Унинг амрига бўйсундим. Сўнгра у "Шу билан ваъдалашганмидинг?" — дея сўради. Бош иргадим.

— Йигит сўзидан тонмади! — деди у қатъий ва бирдан юз бурди-да, қайрилиб ҳам қарамай кета бошлади ва кулоғимга пайдар-пай шу гап чалинди.

— Йигит бўлиб туғилдингми, йигитдек яша!

Олим ЖУМАОБОВ

Овқат 35 мартагача чайналаса яхши ҳазм бўлади.

Инсон териси юзасида 250 мингдан зиёд совуқни сезувчи, 30 мингта иссиқдан таъсирланувчи рецептор мавжуд. Бир миллионга яқин оғриқни сезувчи, ярим миллионга ҳид

тишлар 72 кг. курак тишлар 20 кг. куч билан босиб, луқмани чайнайди.

Қонга озиқ моддаларни шимиб оладиган ингичка ичакнинг ички деворлари 5 миллионга яқин тук билан қопланган.

умри давомида тахминан 25 миллион мартагача эгилиб букилади.

Одам ўзидан бир кунда ишлаб чиқарадиган иссиқлик (ҳатто ухлаганда ҳам) икки челақ сувни қайнатишга етади.

ОДАМЗОД — СИРЛИ ОЛАМ

рецептори ва уч миллионга кир бези бор.

Сочлар бир кеча кундузда 0,35,-0,40 миллиметр ўсади.

Қулоқ ичида товушларни сезади 25 мингта ҳужайра мавжуд.

Инсоннинг эшитиш қобилияти 3-4 минг товушни ажрата олади. Тилда 9 мингта яқин таъм билиш рецептори мавжуд.

Овқат ейилаётганда жағ

Инсон умумий оғирлигининг бир фоизи микдорига сув йўқотса, кучли ташналик ҳосил бўлади. Беш фоиздан кўпроқ йўқотса ҳушдан кетади. Бу ҳолат ўн фоиздан ортса ўлимга олиб келиши мумкин.

Инсон танасида 700га яқин фермент фаолият кўрсатади.

Агар чап мия ярим шари фаолияти бузилса, инсон гапира олмайди, бошқаларнинг гапини ҳам тушунмайди.

Инсоннинг ҳар бир бармоғи

Одам бир дақиқада ўртача 25 маротаба киприк қоқади. Шуни ҳисобга олганда, сиз машинани ўн соат мобайнида тўхтовсиз бошқариб борсангиз, шу оралиқдаги масофанинг 33 километрини юмюқ кўз билан бошқарган бўлиб чиқасиз.

Инсоннинг бир тола сочи 3 кг.гача юкни кўтара олади.

Инсон миясининг 80 фоизи сувдан иборат.

Тўпловчи: Б.БОЙҚОБИЛОВ

ЖАЖЖИ ХАНДАЛАР

САБЗИ ВА ТЕМИР

Ўқитувчи ўқувчиларга сабзини кўпроқ истеъмол қилинглари, унда темир моддаси кўп, деса, бир ўқувчи:

— Бу тўғри эмас. Биз сабзининг устига магнит қўйган эдик, у кимир этмади, — дебди.

ДОНО

Ўқитувчи дангасалиги учун ўқувчини қийиб бошлади.

— Мен дангаса эмасман, — деди ўқувчи, — лекин «Сўз кумуш бўлса, камгаппик олтиндир», деган ҳикматли сўзга амал қиламан.

КАНИ ЭНДИ ЎША ЕРДА
БЎЛИБ ҚОЛСАМ

География ўқитувчиси Шимолий кутб ҳақида гапириб, у ерда кечаси — олти ой, кундузи ҳам олти ой бўлади, деди.

Бир бола чуқур ух тортди:

— Қани энди ўша ерга бориб қолсам.
— Нима қилардинг? — сўради ўқитувчи.
— Бугун сизнинг дарсингизни тинглардим-да, олти ой ухлаб, кейин жавоб берардим.

ЧЕКИНИШ

Ўқувчи ўқитувчисидан сўради:

— Қилинмаган иш учун ҳам жазо бериладими?

— Йўқ, албатта, — деди ўқитувчи.
— Бўлмаса мен уй вазифасини бажармадим.

Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти 2012-2013 ўқув йилида қуйидаги бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади:

БАКАЛАВРИАТ:

5111014	Касб таълими: ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси
5111012	Касб таълими: енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси
5111018	Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари
5111030	Касб таълими: озиқ-овқат технологияси
5111041	Касб таълими: хизматлар соҳаси
5111040	Касб таълими: хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси
5111037	Касб таълими: технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш
5111011	Касб таълими: дизайн
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5321300	Нефть ва нефть-газ қайта ишлаш технологияси
5311900	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тармоқлар бўйича)
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)
5310800	Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)
5311100	Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича)
5150900	Дизайн (турлари бўйича)
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)
5320200	Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси

Институтнинг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга киришни хоҳловчи абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига ариза; ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; 3,5х4,5 см. ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат; фуқаролик паспортнинг нусхаси. Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

МАГИСТРАТУРА:

5A111001	Касб таълими: компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти
5A310201	Электр таъминоти (тармоқлар бўйича)
5A310104	Иссиқлик энергетикаси
5A310204	Электр энергетикаси тизимлари ва тармоқлари (фаолият турлари бўйича)
5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
5A320901	Тўқимачилик хомашёларини қайта ишлаш технологияси (хомашё тури бўйича)
5A320310	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари
5A320311	Озиқ-овқат саноати машиналари ва агрегатлари
5A320902	Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш
5A320903	Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш
5A321302	Нефть ва газни қайта ишлаш ва кимёвий технологияси
5A311901	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
5A320308	Пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари
5A321001	Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
5A321003	Озиқ-овқат хавфсизлиги

Магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга киришни хоҳловчи абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (илоvasи билан);
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3,5х4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат, фуқаролик паспортнинг нусхаси.

Ҳужжатлар 1 июндан 30 июлгача қабул қилинади.

Абитуриентлар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатларни шахсан кўрсатадилар. Магистратурага кирувчилар танлаган мутахассислиги бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фанлардан ҳамда «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари» фанидан кириш синовлари топширадилар.

Магистратурага кириш синовлари 3—10 август кунлари ўтказилади.

Институтда ўқиш фақат кундузги шаклда амалга оширилади.

Институт манзили: Бухоро шаҳри, Қайом Муртазоев кўчаси, 15-уй.

Тел: (8-365) 223-46-76, 223-61-97.

Кўҳна китъанинг икки мамлакати мезбонлигида юксак савияда ўтаётган йирик футбол байрами бутун дунё эътиборини аллақачон ўзига ром этган. Минглаб футбол ихлосмандлари қарийб бир ой мобайнида турмушининг турли ташвишларидан, доимий югур-югурларидан сўнг мириқиб футбол спектаклларини томоша қилиб, дам олишмоқда.

Юртимизда ҳам барча футбол ишқибозларининг диққат-марказида айнан «Евро-2012» турибди, десак янглишмаймиз. Бу жараён ҳатто миллионлар ўйинига у қадар қизиқмайдиганларни ҳам ўз «доми»га тортапти. Энг қизиғи, клублар ўртасидаги Европа чемпионлари лигаси баҳсларини онда-сонда кўриб турадиган «ашаддий мухлис»лар Европа чемпионатидан ҳам дунёнинг энг зўр футболчиси Лионель Мессини излашаётгандир.

Хусусан, Испания терма жамоасининг ирландларга қарши кечган баҳсини томоша қилиб, пиренейликлар таркибида Хави, Иньеста, Пике, Бускетс ва Фаб-

«НЕГА МЕССИ ЙЎҚ?»

регасни учратгану, бироқ Мессини кўрмаган «янги» мухлислар тажрибали ишқибозлардан кўнғироқ қилиб: «Нега Мессини туширмапти?», дея сўрашганини эшитиб қолдик. Нима қилсин, унда ҳам айб йўқ, ахир бу футболчилар «Барселона» клуби таркибида бирга тўп суришади-ку. Чиндан ҳам «нега Месси йўқ?». «Янги» мухлис учун Мессининг аргентиналик экани аҳамиятсиз гўё... Мана шундай футбол атрофида содир бўлувчи самимий ҳангомалар ҳам чемпионат «дошқозони»ни янада қиздиради, албатта.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: «Евро-2012»га йўлланма олган терма жамоалар таркибини кучайтириши мумкин бўлган машҳурлардан қимлар Украина ва Польшага футболчи сифатида кела олмади? Дарвоқе, уларнинг айримлари томошабинлар қаторида кўриниб қолмоқда. Ҳа, спортчининг бешафқат душмани — жароҳат туфайли ўндан зиёд юлдузлар чемпионатни фақатгина кузатиб бориш билан чекланмоқда.

«Барселона» клуби вакиллари Давид Вилья, Карлес Пуйоль ва «Атлетик» аззоси Антони Ираола кўп йиллар давомида Испания терма жамоаси учун ўйнаб, алмаштириб бўлмайдиган ўринга эга бўлиб улгуришганди. Аммо қутилмаган жароҳат улар учун «Евро-2012» эшикларини ёпди.

Англия терма жамоаси ва «Челси» ярим ҳимоячиси Франк Лэмпардининг чемпионатга бир неча кун қолганда жиддий жароҳат олиб, сафдан чиқishi **инглизлар** учун катта йўқотиш бўлди. Шунингдек, Англия терма жамоасига катта устунлик ҳада этишга қодир футболчилардан: Г.Бэрри («Ман.Сити»), Г.Кехилл («Челси»), Ж.Радди («Норвич») ва Ж.Уилшер («Арсенал») шунчаки томошабинга айланишди.

Французлар таркибида эса иқтидорли ўйинчилардан Э.Абидаль («Барселона»), Б.Санья («Арсенал»), Юнус Қобул («Тоттенхэм») ва Лойик Рами («Марсел») соғлом ҳамкасбларига ўз ўрнини бўша-тишди.

«Бавария» клуби сафида мазмунли тўп сураётган Ивица Олич ва «Лион» ҳимоячиси Деян Ловрен **Хорватия** учун тўп сура олмади. **Ирландлардан** Кит Фейхи («Бирмингем») ҳимоя чизигида турса, балки испанлар 4та гол ура олишмасиди?! **Италияликлар** «режиме»сидан Жузеппи Росси («Вильярреал»)ни, **руслар** «бригадаси»дан В.Березуцкий (ЦСКА) ва Р.Шешкин («Спартак»)ни, **даниялик** «камгап»лар орасидан Т.Соренсен («Сток Сити»)ни, **португаллар** «табори»дан К.Мартинш («Бенфика») ва Данини («Зенит»)ни, **поляклар** «устахонаси»дан Л.Фабьянский («Арсенал»)ни, украинлар «казармаси»дан А.Дикан («Спартак»), А.Шовковский («Динамо») ва Д.Чигринский («Шахтёр»)ни, швед дарозлари орасидан эса Ж.Мойсторович («Селтик») ва Ж.Гвидетти («Ман. Сити»)ни излаш бефойда. Аммо сафдошлари ушбу ўйинчиларнинг таркибда йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Шундай экан, «Евро-2012» матчлари ўз жозибаси ва шиддатини йўқотмади.

Гуруҳ баҳсларининг 2-тур учрашувлари натижалари: Греция — Чехия 1:2, Польша — Россия 1:1, Дания — Португалия 2:3, Голландия — Германия 1:2, Италия — Хорватия 1:1, Испания — Ирландия 4:0.

Кеча тунда Швеция — Англия ва Украина — Франция қарама-қаршилиги билан ушбу турга яқун ясалди.

Зоҳиджон ХОЛОВ



«МЕХРИБОНЛИК» ОРОМГОҲИ БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАДИ

Бўстонлик тумани баланд тоғлари ва қўм-қўк далалари, хуш ҳавоси, сўлим гўшалари билан машҳур. Икки адир орасида жойлашган хушманзара Қизилсув қишлоғи ўз номига монанд. У ердан шарқираб оқаётган сойнинг жўшқин навоси қушлар қўшиғига ҳамоҳанг бўлиб, кишига ўзгача кайфият бахш этади. Тоғларнинг гўзал манзараси ва тоза ҳаво ёзнинг жазирама кунларида хордиқ чиқариш учун аини мўддао. Ана шундай манзара касб этган масканда Халқ таълими вазирлигига қарашли «Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида бир неча йилдан бери «Меҳрибонлик» оромгоҳи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мазкур маскан мавсумнинг дастлабки босқичида 260 нафар тарбияланувчини ўз бағрига чорлади. Оромгоҳга келган болалар ям-яшил дарахтларга бўйлағудек отилаётган фаввораларни кўриб, ўз қувончларини яшира олмадилар. Бу ерда болаларнинг мазмунли дам олиши ва соғлигини мустаҳкамлаши учун барча шароитлар яратилган. 19 кун мобайнида тарбияланувчилар тоғнинг сўлим жойларида дам олишади ҳамда табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб, саёхатга чиқади. 7 тўғрак, кутубхона болалар хизматида. Оромгоҳда Тошкент, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 1040 нафари ўз саломатлигини тиклайди.

Ф.ХОЛМУРОВА

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi, Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-618.
Tiraji 49463.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,

Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:

Zohidjon XOLOV.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Y'la akuni — 00.30
Topshirildi — 00.35